O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2006-yil, 6-yanvar • № 1 (3830)

Инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга доимий эътибор ва кўмак бериш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, аҳолимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, эл-юрт фаровонлигини ошириш масалалари янги йилда ҳам биз учун долзарб ва устувор вазифа бўлиб қолаверади.

Президент Ислом КАРИМОВнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригидан.

ЭЗГУ ЙЎЛНИНГ БОШЛАНИШИ

Бундан ярим аср муқаддам матбуотимизда янги бир нашр дунё юзини кўрган эди. Адабиёт ва санъатимизнинг, маданий ҳаётимизнинг қайноқ жабҳаларини кенг ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ушбу нашр илк сонларданоқ доимий ўқувчиларини топишга эришганди. Ўша давр тақозосига кўра, мазкур газета дастлаб «Совет Ўзбекистони маданияти» деб номланган.

Газетанинг илк сони 1956 йилнинг 4 январида, чоршанба куни чоп этилган. Адабиёт ва санъат ихлосмандлари газетани биринчи сониданоқ катта қизиқиш билан кутиб олишди. Янги нашрнинг келажаги порлоқ бўлишини тилаб, кўзга кўринган арбоблар, таниқли ёзувчи ва шоирлар, санъат дарғалари, жумладан, Қори Ниёзий, Комил Яшин, Олим Хўжаев, ҳинд адиби Кришан Чандр ва бошқалар оқ йўл тилашиб, яхши ниятлар билдиришган эди. Жумладан, академик Қори Ниёзий шундай деб ёзган: «Ўзбекистон жамоатчилиги янги газетадан катта умидвор бўлиб, унинг саҳифаларида маданий ҳаётимизнинг актуал, муҳим, принципиал масалаларини ва хусусан маданият, санъат ҳамда фанга оид назарий, айниқса, ёш авлоднинг тарбиясига оид масалаларнинг ёритилишини кутади».

Газета ташкил топган кезлари ҳафтада икки мартадан чиққан, унга дастлаб Мумтоз Муҳамедов муҳаррирлик қилган.

Эллик йил аввал

Газетанинг 1956 йилги тахламини кўздан кечирганда, адабиётимизнинг атоқли вакиллари ва санъатимизнинг етук дарғалари мазкур нашр иш бошлаган кезлардаёқ у билан яқиндан ҳамкорлик қилишганига гувоҳ бўлдик. Ойбекнинг «Покистон қиссаси» повестидан парча, «Нур қидириб» повести, Миртемирнинг шеърлар туркуми, Раҳмат Файзийнинг «Шоҳи дарпарда» ҳикояси ва Мақсуд Шайхзода шеърларининг эълон қилингани шундан далолат беради.

Ўзбек театр санъатининг йирик намояндалари Аброр Ҳидоятовнинг «Халқимга хизмат қиламан», Олим Хўжаевнинг «Академик театр» сарлавҳали мақолалари ҳам газетанинг илк сонларида эълон қилинган эди.

Газета ўз саҳифаларида турли-туман жанрлардаги асарларга кенг ўрин берган. 1956 йили унинг саҳифаларида Мирмуҳсиннинг «Зиёд ва Адиба» шеърий романи, Одил Ёқубовнинг «Тоғ қизи», Саида Зуннунованинг «Чиннигул», Ўлмас Умарбековнинг «Солия хола» ҳикоялари эълон қилинган. Саид Аҳмад ва Аббос Муҳиддиннинг «Бўстон», Пиримқул Қодировнинг «Қарз устига қарз», Озод Шарафиддиновнинг «Ойбек ҳақида танқидий-биографик очерк», Асқад Мухторнинг «Адабиётимиз келажаги» сингари мақолалари ижтимоий ҳаёт, адабиёт масаларига бағишланган... Кўриниб турибдики, газета нашр этила бошлаган дастлабки ойлардаёқ республикамиз маданий ҳаётини, ижодий жараёнини кенгроқ қамраб олишга интилган.

Газета ижодий жамоаси

Бундан 50 йил муқаддам миллий маданият масалаларига бағишланган махсус газета чиқа бошлагани бизнинг авлод учун чинакам қувончли воқеа бўлган эди. Чунки мустабид тузум миллатлар ва тилларни қўшиб юбориш сиёсатини олиб борган салкам қирқ йиллик даврда Ўзбекистондай йирик республикада миллий зиёлилар ўз она тилларида чоп этиладиган газетани чиқаришга марказдан рухсат ололмай келар эдилар. Бундай рухсатни Политбюро деб аталадиган ҳукми қаттиқ даргоҳ берар эди.

оташин сўзлар айтди. «Зиёли» сўзини қайта истеъмолга киритишни таклиф қилди. Бутун қурултой унинг бу таклифини давомли қарсаклар билан қўллаб-қувватлади.

Зиёлилар газетаси бўлган «Ўзбекистон маданияти» Шайхзоданинг нутқини ўз саҳифасида эъзоз билан чоп этди ва республика матбуотида биринчилардан бўлиб «зиёли» сўзига ўз саҳифаларида кенг ўрин берди.

Ҳозир «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» деган ном билан бутун халққа танилган қадрдон газетамиз, мана 50 йилдирки, миллатпарвар зиёлиларнинг ардоқли минбари бўлиб келмоқда.

Академик адиб Ойбек Покистон сафаридан олган ёрқин таассуротларини «Нур қидириб» қиссасида тасвир этган эди. Бу қисса ёзилган 1955-1956 йилларда ҳали мустабид даврнинг қалин музлари эриб битмаган эди, уларнинг совуқ нафаси айрим газета ва журналларни ҳамон тарк этмай келарди. Янгиликдан чўчиш, соғ нарсадан ғоявий айб қидириш одатлари, айниқса, «Шарқ юлдузи»нинг ўша пайтдаги муҳарририда кучли эди. Буни амалда кўрган Ойбек ака «Нур қидириб» қиссасини «Шарқ юлдузи»га эмас, янгича руҳда дадил қадам ташлаётган зиёлилар газетасига берди. Қисса бу газета саҳифаларида 1956 йилнинг охиригача давомли тарзда босилди.

Кейинчалик Абдулла Қаҳҳорнинг «Ҳуснбузар» деган танқидий асари ҳам шу газетада чоп этилди ва бу

Пиримқул ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ХАЁТ КЎЗГУСИ

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига

Гарчи кўп бўлса-да аймоғи, насли,
Бу ёруғ дунёда ёлғон оз яшар.
Миллат газетадан бошланар асли,
Газета рост ёзса — миллат рост яшар.
Неча авлодларнинг сабру саботи,
«Ўзбекистон адабиёти...»

Тонг чоғи боғлиқ тил, боғлиқ бел билан,
Кетмонни елкага олиб кетган сен.
Каззоб замонларда юпун эл билан,
Сўлғин далаларда заҳар ютган сен.
Сенда шу тупроқнинг унди фарёди,
«Ўзбекистон адабиёти...»

Кимлар яшар эди ҳалифалардай,
Орол қурир эди — чорасиз, абгор.
Бағри ғижимланган саҳифалардай,
Қон ютган муҳаррир, мухбирларинг бор.
Сенда яроқ ёзди элнинг муроди,
«Ўзбекистон адабиёти...»

Жўр бўлиб гоҳ мумтоз хонандаларга,
Кўнгил торларини чертган навосан.
Очиқ ойналардай — хонадонларга
Уфуриб киргувчи тоза ҳавосан.
Руҳ ва кўнгилларнинг оҳанг, баёти,
«Ўзбекистон адабиёти...»

Сенда йўргакланди қанчалар адиб,
Не-не шоирларнинг тилаги бўлдинг.
Маърифат тарқатиб, зиё тарқатиб,
Сен ўзинг юртнинг бир юраги бўлдинг.
Ҳазрат Навоийнинг абадий ёди,
«Ўзбекистон адабиёти...»

Келди тошқин солиб охир Ҳуррият,
Эккан кўчатларинг мангу сўлмагай.
Яшнаб камол топса эзгу ҳур ният,
Адабиёт ўлмас, санъат ўлмагай.
Она тилимизнинг оби ҳаёти,
«Ўзбекистон адабиёти...»

Ҳали Ватан учун керак чинорлар,
Чин қалблар, қошу кўз, киприклар керак.
Муҳташам сўзлардан тиклаб бинолар,
Шеърлардан йўл билан кўприклар керак.
Сен ҳам истиқлолнинг уйғоқ зурёди,
«Ўзбекистон адабиёти...»

Сирожиддин САЙИД

МИЛЛАТПАРВАР ЗИЁЛИЛАР МИНБАРИ

Сталиннинг ўлимидан кейин — 1955 — 1956 йилларда маънавий иқлим анча юмшаган, «илимилик» деб аталган янги уйғониш еллари эса бошлаган пайтлар эди. Шайхзода домлага ўхшаб ноҳақ қамалганлар оқланиб, аввалги иш жойларига қайтмоқда эдилар.

Ўша пайтда Абдулла Қаҳҳор Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси эдилар. Газетанинг чиқишига марказдан рухсат олиш Абдулла акадан анчагина саъй-ҳаракат талаб қилганини устознинг ўзлари Москвага борганда сўзлаб берганлари ёдимда бор. Мумтоз Муҳаммедов Ёзувчилар уюшмасининг тавсияси билан газетанинг биринчи муҳаррири этиб тасдиқланишида Ойбек ака, Абдулла Қаҳҳор каби етакчи адибларимиз фаоллик кўрсатган эдилар.

Янги газета дастлабки сонларидан бошлаб миллий зиёлилар ва жонкуяр ижодкорлар газетаси сифатида танилди. Айниқса, 1956 йилнинг баҳорида Ўзбекистон зиёлиларининг қурултойи чақирилганда газета бутун-бутун сонларини ушбу анжуман билан боғлиқ бўлган катта воқеаларга бағишлади.

Ўша йилларда республика раҳбари бўлган Н.А.Муҳиддинов қурултой минбаридан туриб, А.Қодирий, Чўлпон ва Фитратларнинг оқланганини биринчи марта ошкора айтганида бу хушхабарни барча зиёлилар ўринларидан туриб узоқ қарсаклар билан кутиб олдилар.

Кўпчиликни хурсанд қилган яна бир воқеа — яқиндагина адолатсиз қамоқ жазосидан қутулиб келган Мақсуд Шайхзоданинг қурултойда сўзлаган ажойиб нутқи бўлди.

Мустабид тузум мухлислари қатағон йилларида зиёлиларни «зиёнли»лар деб қаматган эдилар. Бу билан улар «зиёлилар» деган теран маъноли гўзал сўзнинг тилимиздан зўравонлик билан чиқариб юборилишига сабаб бўлган эдилар. Унинг ўрнига ҳамма жойда «интеллигенция» деган узун сўз ёзиларди.

Мақсуд Шайхзода ўз нутқида ҳатто она тилимизга нисбатан қилинган бу адолатсизликка қарши иш таҳририятдан жуда катта журъат талаб қилди. Чунки адолатли танқидни кўтаролмайдиган мустабид кучлар газетага жуда катта тазйиқ ўтказиб, маъмурий чоралар кўришгача борди. Шунга қарамай таҳририятдаги адолатпарвар зиёлилар виждоний бурчларини ҳалол бажаришда давом этдилар.

Айниқса, 80-йилларнинг ўрталарида — Истиқлолимиз тонги отаётган кезларда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси она тилимизга давлат тили мақомини бериш, пахта далаларида самолётлардан сепилаётган заҳарли дориларни тақиқлаш каби улкан ҳаётий муаммоларни жасорат билан кўтариб чиққанини кўпчилик ҳамон миннатдор бўлиб эслайди.

Адабиёт ва санъатда ҳақиқий истеъдодларга кенг йўл очиш, айни вақтда мағзи пуч, юзаки асарларнинг танқидий баҳосини бериш, ижод даргоҳини қалбакичиликдан пок сақлаш масалалари ҳам йиллар давомида газетанинг диққат марказида бўлиб келди.

Раҳматлик алломаларимиз Озод Шарафиддинов ва Матёқуб Қўшжоновларнинг адабиётимиздаги айрим салбий ҳодисаларга қарши мардона курашиб ёзган ўткир танқидий мақолалари адабий жамоатчилик томонидан доим илиқ сўзлар билан эслаб юрилади.

Бугун 50 йиллик олтин санани нишонлаётган қадрдон газетамизни миллий зиёлилар минбари деб атадик. Чинакам миллатпарвар зиёли одам қалб амри билан фаолият кўрсатадиган виждонли кишидир. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 50 йил мобайнида, аввало, мана шундай виждонли одамларнинг минбари бўлиб келди.

Бугун газета жамоасини ва унинг барча муаллифларини 50 йиллик муборак сана билан чин дилдан табриклаймиз. Эзгу тилагимиз шуки, ардоқли газетамиз ҳамиша чин зиёлилар минбари бўлиб қолсин ва халқимизга ҳалолу пок хизматлар қилиб, унинг самимий олқишларига сазовор бўлсин!

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

ЗУККО ҲАМКОРИМИЗ

Адабиёт газетамиз чиқа бошлаганига ҳам 50 йил тўлибди. Ўзбек адибларининг ягона газетаси бўлмиш ушбу нашр доимо ижодкорларнинг йўлдоши бўлишга интилди. Адабиётимиз тарихида сўнмас из қолдирган кўпгина асарлар дастлаб ана шу рўзномамиз саҳифаларида кўрмана қилинди. Унинг саҳифаларида адабий жараёнга боғлиқ турли баҳсу мунозаралар босилди. Давр қанчалик мураккаб бўлмасин, адолатни тайин этиш мақсадида халқ ва миллат манфаатини кўзловчи асарлар қўллаб-қувватланди.

Албатта, газета ҳам бамисоли бир шахс. Унинг ҳам бошидан не-не синовли, хуш-нохуш кунлар, не-не машаққатли лаҳзалар ўтмади. Айтган гапинг яшаб турган муҳитингга мос келса-ку, хўпхўп, агар жиндек бундайроқ бўлса, бошингга маломат ёққани ёққан.

Шўролар замонида Ёзувчилар уюшмаси газета муассисларидан бири ҳисобланса-да, аслида уни ўша пайтдаги мафкура раҳбарлари бошқарар эди. Уларнинг ижозатисиз бирон жўяли гапни айтиб бўлмасди. Жумладан, ўз ижодимдан мисол келтирадиган бўлсам, шеърларимдаги баъзи сатрларни ўтказиб бўлмас, бу ҳолдан муҳаррир ҳам қийналар, чорасизликдан хижолат бўларди. Бошқа адибларнинг бошларидан ҳам бундай савдоларнинг ўтганига шубҳа йўқ.

Хуллас, нима бўлган тақдирда ҳам, газета бизга ҳамиша ҳамроҳ бўлишга интилди. Ғафур Ғуломнинг кўпгина шеърлари, Ойбек асарлари (адибнинг «Нур қидириб» повести газета чоп этила бошлаган йилнинг ўзида тўлалигича босилган эди), Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Миртемир, Ҳабибий сингари оқсоқоллар ижоди мунтазам эълон қилиб келинди, адабиётда энди қад ростлаб келаётган Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров сингари адиблар эса газетамизнинг фаол муаллифлари бўлишган.

Газетамиз жаҳон адабиётидаги янгиликлар билан ҳам бизни баҳоли қудрат таништириб борди. Албатта, бу нашр адабиётимиз ва маданиятимизнинг кўзгуси сифатида профессионал ижодкорларга мўлжалланган. Лекин у айни чоқда адабиётимизнинг кенг ихлосмандлари учун ҳам қизиқиб ўқиладиган нашр бўлди. Бошқа нашрларнинг тили ва услуби расмий қолипларга тушиб қолган бир даврда биз ўз газетамиз саҳифаларида она тилимизнинг табиий жилоларини кўришга иштиёқманд эдик. Тилимизга муттасил ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб келганлиги учун газетамиздан миннатдор бўлишга ҳақлимиз.

Умр ўтгани сари ортда қолган ёшлик йиллари кишига жозибали туюлаверади. Лекин ижодий жараёнга, агар ёшлик илҳоми ва шижоатини ҳисобга олмаганда, ушбу ақидани қўллаб бўлмас. Ахир ижодкор оёқ-қўли занжирбанд кунларини қандай қилиб қўмсаши мумкин? Газетамиз ҳам мана шундай паст-баланд, машаққатли йўлларни босиб ўтиб, бугунги ёруғ кунларга етиб келди.

Ёзувчиларни даврнинг кўзи, қулоғи дейдилар. Бу тўғри гап. Халқнинг тили учида турган саволу муаммоларни, дардларни одатда адиблар биринчи бўлиб ўртага ташлайдилар. Булар, масалан, тил, маданият, экология ва бошқалар бўлиши мумкин. Бундай мавзулар ҳамма замонларда ҳам долзарб бўлиб келган. Газетамиз уларни ёритишда ҳозиржавоб бўлишга интилди. Баъзи мисоллар келтириб ўтайлик: Орол денгизининг қуриб бораётгани, тилимизнинг қадрсизланиб қолгани, пахта якка ҳокимлиги, зироатчиликда ишлатилаётган заҳри қотил моддалар зарари сингари муҳим масалаларни газета ўз вақтида айтишга журъат қилганлигини яхши биламиз.

Бундай чиқишларни у маҳаллар ҳеч ким, айниқса, юқори идоралар қарсак чалиб кутиб олган эмас. Аксинча, ёпиғлиқ қозоннинг қопқоғини нега кўтардинг деган таъна-дашномлар муттасил эшитилиб турар эди. Яшаш ва ижод қилиш виждонли ижодкор учун осон бўлмагани каби газетачиларга ҳам енгил эмасди. Газетамиз имкони борича зиёлилар шуурида мустақиллик туйғуларини уйғотиш ва шакллантиришга ҳаракат қилганини эътироф этишимиз керак. Ҳурриятга эришганимиздан сўнг эса мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида газета ўз ҳиссасини қўшиб келаётгани ҳаммамизнинг кўз ўнгимиздадир.

Биз агар бугунги кунимиздан туриб, ўтган давр нашрларига назар ташласак, олдимизда бир савол кўндаланг бўлади: фалон нашр ўша давр мафкурасининг фақатгина «ҳайбаракаллачи»си эдими ёки халққа керакли гапларни ҳам айта олганмиди? Бу жиҳатдан адибларга ҳам, уларнинг нашрларига ҳам қийин эди. Масалан, ҳатто биргина Москванинг ўзида Твардовский муҳаррирлик қилган «Новый мир» журнали қанчалар таъқиб қилинганини ҳозиргача эслаймиз. Масалан, менинг ўзим Твардовскийнинг журналга шеър сўраб юборган телеграммасини олганим учун керакли идоралар олдида жавоб берганман. Чунки Александр Твардовский норасмий бўлса-да, «антисовет шоир, антисовет муҳаррир» деб эълон қилинган эди. Бу мисолни мен айниқса ёшларимиз билиб қўйсинлар, деб айтмоқдаман.

Газетамизга турли даврларда турли адиблар муҳаррирлик қилдилар. Уларнинг ҳар қайсисидан ўзига хос из қолди. Аслида ҳам муҳаррирга кўп нарса боғлиқ. Дадил ва жасур, диди юксак муҳаррир бошқарган жамоанинг ҳосили ҳам шубҳасиз салмоқли бўлади.

Истиқлол шабадалари зиёлиларимиз бағрига, бинобарин уларнинг газетаси саҳифаларига ҳам эркинлик эпкинларини ола келди. Мана 15 йилдирки «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» маънавий ҳаётимизни, маданиятимиз, адабиётимиз ва санъатимизда кечаётган янгиланиш жараёнларини акс эттиришда фаол хизмат қилиб келаётир. Муҳтарам Президентимиз оммавий ахборот воситаларига, жумладан, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига ҳам эътибор кўрсатиб келмоқдалар. Юртбошимиз яқинда «Ёшлик» Талабалар шаҳарчасида бир гуруҳ ёшлар, хусусан, бўлажак журналистлар билан учрашув чоғида ҳам уларни профессионал маҳоратни эгаллаш билан бирга ҳаётни ҳар жиҳатдан чуқур ўрганишга алоҳида даъват этдилар.

Бугун адабиётимиз олдида нечоғли улкан вазифалар турган бўлса, улар газетамизга ҳам тўла тааллуқлидир. Замондан орқада юриш ёзувчига ҳам, унинг газетасига ҳам ярашмайди. Газетамиз саҳифаларида «Муҳаррир минбари», «Истиқлол ва иқтисод», «Тарих ва тақдир», «Баҳс», «Икки фикр» сингари кўпгина рукнларни мамнуният билан таъкидлаймиз. Газета ва унинг жамоасини қутлай туриб айрим тилакларни ҳам билдиришни жоиз деб ҳисобламан. Чоп этилаётган асарларнинг бадиий савиясига талабни ниҳоятда кучайтиришимиз шарт. Токи газетамиз муаллифлар учун олий даражадаги масъулиятли бир минбарга айлансин. У наинки адабиёт, маданият, балки улар дахлдор бўлган турмушнинг барча қирраларини ҳақиқий ижодкор назари билан қамраб ола билсин. Унинг сўзи ҳозиргидан ҳам залворлироқ салмоқ касб этсин.

МАНГУ ЛАҲЗА

«Экосан» халқаро ташкилоти томонидан ёшлар орасида экологик таълим-тарбияни такомиллаштириш орқали уларнинг экологик онг ва тафаккурини шакллантириш, уларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва саломатликни сақлаш масалаларининг ечимига амалий ёндашиш кўникмасини ҳосил қилиш мақсадида «Ёшлик» Талабалар шаҳарчасида «Ёш экологлар клуби» ташкил қилинди.

ЁШЛАР ВА ЭКОЛОГИЯ

Клубнинг асосий вазифаси барқарор атроф-муҳит яратишга йўналтирилган экология ва саломатлик кунлари тадбирларига, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, саломатликни сақлаш, соғлом турмуш тарзи масалаларига қаратилган дастур ва лойиҳалар амалиётига талаба-ёшларни кенг жалб этишдан иборат.

Ёшларда атроф-муҳит муҳофазаси ва саломатлик масалаларига бўлган қизиқишни кучайтириш, экологик билим ва ҳуқуқий экологик саводхонлигини ошириш, маънавиятини бойитиш борасида тарғибот ишларини кучайтириш зарур. Эколог олимлар, тиббиёт ходимлари, Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус вакиллари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларини жалб қилган ҳолда талаба-ёшлар орасида қизиқарли учрашувлар, экофестиваллар, турли мусобақалар, қизиқарли ўйинлар, кўрик-танловлар, экологик ҳашар ва бошқа тадбирлар амалга оширилади.

Бундан ташқари телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларида атроф-муҳит ва саломатлик масалалари бўйича энг яхши илмий-публицистик мақолалар, рефератлар, маърузалар, фотосуратлар ва чизма расмлар соҳибларининг чиқишлари ташкил қилинади. Таниқли эколог-олимлар, фан арбоблари, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар билан экология ва саломатлик мавзуларида қизиқарли учрашувлар ташкил қилинади. Бутун жаҳон Саломатлик кунига бағишлаб ёшлар марафони ўтказилади.

Талабалар шаҳарчасида жойлашган талабалар ётоқхоналари ва уларнинг ҳудудидаги санитар-гигиеник ҳолатни яхшилаш, ёшлар онгига ўз уйини, яъни ётоқхонасини, истиқомат ҳудудини аср-раб-авайлаш ғоясини сингдириш орқали Ватанни кўз қорачиғидек асраш туйғусини шакллантириш мақсадида танловлар ташкил қилинади.

Йиғилишда «Ёш экологлар клуби»нинг Низоми бир овоздан маъқулланди.

маданий ҳаёт

Яқинда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси ҳамда Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида Бухоро шаҳрида мамлакатимиз Қўғирчоқ театрларининг VII анъанавий кўрик-фестивали бўлиб ўтди.

Фестивалда Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон ва Хоразм вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатаётган Қўғирчоқ театрлари ижодкорларининг янги асарлари намойиш этилди.

Махсус мухбиримизнинг мазкур фестивал якунлари ҳақидаги ҳисобот материалини газетамизнинг навбатдаги сонида ўқийсиз.

ҚУТЛОВ

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси жамоасига

Газетангизнинг қутлуғ 50 йиллиги муносабати билан сизларга қизғин салом ва тилакларимни изҳор этишга ижозат берғайсиз. Газетангизни тақрибан 40 йилдан бери ҳавас билан ўқиб келаман. Ўзбек адабиёти ва санъатининг ойнаси бўлган газетангизни талабаларим ҳам ўқисинлар деб Вашингтон университети кутубхонасига мурожаат этган эдим. Самараси шу бўлдики, ўтган асрнинг 70-йилларидан бери кутубхонамиз газетангизни мунтазам олиб келади.

Газетангизда ўзбек адабиёти ва маданияти тўғрисида эълон қилинган мақолалардан кўп фойдаланамиз ва фойдаланиб келмоқдамиз. Айниқса, газетанинг бой жонли ва маъноли тилдан истеъфода этиши сабоқ бўларликдир. Жуда муҳим фаолиятингизни давом эттириш учун сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар тилашни истардим.

Ҳурматларимни қабул айлангиз.

Самимият ила

Илзахоним СИРТАУТАС,
Вашингтон университети профессори, Сиэтл — Тошкент биродарлашган шаҳарлар ташкилоти раиси ўринбосари

2006 йил, 4 январ
Сиэтл, АҚШ.

МУҲАРРИРЛАРИМИЗ

Мумтоз МУҲАМЕДОВ (1956 — 1957)

Раҳмат ФАЙЗИЙ (1957 — 1959)

Воҳид ЗОҲИДОВ (1959 — 1962)



Лазиз ҚАЮМОВ (1962 — 1981)

Асқад МУХТОР (1981 — 1982)



Одил ЁҚУБОВ (1982 — 1987)

Таҳририятимизда самарали меҳнат қилган истеъдодли фотоижодкор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист **Содиқ МАҲКАМОВ** *олган ушбу суратларда газетамизга турли йилларда раҳбарлик қилган таниқли устозларни кўриб турибсиз.*

1955 йил кузида, келгуси йил матбуот нашрлари учун обуна бошланиши биланоқ республикамизда янги матбуот органи — «Совет Ўзбекистони маданияти» номли газета чоп этилажаги муштарийларга маълум қилиниб, унинг йўналиши, мавзулар кўлами ва бошқалар ҳақида маълумот берилди. Орадан бир неча ҳафта ўтгач, газета таҳририяти учун ижодий ходимлар танлови бошланиб кетди. Бу иш ўша йилнинг 15 декабригача тугалланиб, 12 нафар ижодий ходим ва яна бир неча мусаҳҳиҳ ҳамда машинисткалар камоли иштиёқ билан иш бошлади. Ойнинг сўнгги ўнкунлигида ходимларнинг газета таҳрир ҳайъати билан биргаликдаги дастлабки йиғилиши ўтказилиб, унда газета биринчи сони учун мўлжалланган материаллар атрофлича таҳлил этилиб, энг муносиблари танлаб олинди.

Халқимиз ва чет эллардаги қанчадан-қанча адабиёт ва санъат ихлосмандлари орасида ҳам машҳур ва манзур бўлган ҳафтаномамиз 50 ёшга тўлди. Шу эллик йилнинг ҳаммаси кўз ўнгимда яққол гавдаланиб турибди. Бунинг боиси шуки, ҳафтаномамизнинг 1956 йил 4 январ куни «ассалом», деб олам юзини кўрганидан то ҳозиргача босилиб чиққан бирор сонини бепарво ўтказиб юборган эмасман. Ҳафтаноманинг биринчи сонини тайёрлашда таҳририят ходими сифатида иштирок этганим билан, шундан сўнг 6-7 йил мобайнида унинг энг асосий бўлимини бошқарганим билан, ўтган ярим аср давомида юздан ортиқ ижод маҳсулим шу ҳафтанома саҳифаларида ял-ял яшнаб чиққанлиги билан камина фахрланаман. Умримнинг қолган қисмини ҳам севимли газетамизсиз тасаввур эта олмайман.

Газета ташкил этилган дастлабки ҳафта ва ойлар шундоққина кўз ўнгимда. 1955 йилнинг ноябр-декабр ойларида янги нашр учун журналист кадрлар танлаш ғоят қизғин тус олди. Газетага ходимлар танлаш иши билан Маданият вазирлигида вазир Анвар Қўчқоров, Ёзувчилар уюшмасида раис Абдулла Қаҳҳор, Марказкўмда бўлим мудири Сарвар Азимов шахсан шуғулланишган эди. Ўшанда Ёзувчилар уюшмаси котиби Мумтоз Муҳамедов бош муҳаррир, кўп йиллар республика радио қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари бўлиб хизмат қилган Ҳибзиддин Муҳаммадхонов бош муҳаррир ўринбосари этиб тайинлангач, таҳририят ходимлигига мўлжалланган барча кишилар ўзига хос танловдан ўтказилди, яъни уларнинг ҳар бирига ишлаяжак соҳалар бўйича, йирик-йирик мавзулар бўйича оригинал ва қизиқарли мақолалар ёзиб келиш топширилди. Каминага «Давримиз қаҳрамонларининг реалистик образларини яратайлик» мавзуи теккан эди. Бу мақола раҳбариятга маъқул тушди. Бошқа барча ходимлар ҳам шундай танловдан ўтказилди. Улар матбуот орқали кўпчиликка танилган Наби Юсуфий, Саида Зуннунова, Бердиали Имомов, Нурмуҳаммад Тошмуҳаммедов (Нурбек), Сайёр, Муҳсин Алиев, Миразиз Миртожиев, Туйғун Валиев, шунингдек, Москвада олий ўқув юртларини янгигина битказиб келган Миад Ҳакимов билан Тўлқин Обидовлар, яна Мутал Рустамов деган йигит эди.

Газета таҳририяти учун ходимлар ҳар тарафлама ўрганилиб, энг истеъдодли ва меҳнатсеварлари танланганини шундан ҳам билса бўладики, кейинчалик улардан тўрт кишига, яъни Мумтоз Муҳамедов, Ҳибзиддин Муҳаммадхонов, Саида Зуннунова ва Нурбекка Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони берилди, Туйғун Валиев «Ўзбекистон санъати» ойномасига, Миад Ҳакимов Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига бош муҳаррир этиб тайинланишди. Илмий соҳада салоҳият кўрсатган Муҳсин Алиев фалсафа фанлари, Тўлқин Обидов санъатшунослик, Миразиз Миртожиев, Бердиали Имомов ва каминага филология фанлари бўйича докторлик даражаси берилди. Таҳририят жамоасига сал кейинроқ келиб қўшилган Санжар Тилла билан Шоҳид Тоҳиров ҳам хизмат кўрсатган маданият ходими, Фрунзе Жўраев ҳамда Ҳусниддин Шарипов эса хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонлари билан тақдирланишди.

Мен ишлаган даврда хизмат қилган Эркин Носиров, Саъдулла Кароматов, Ҳабиб Каримов, Фарҳод Мусажонов, Фатҳиддин Насриддинов, Собир Юнусов, Ёнғин Мирзо, Шотурсун Ғуломов, Эркин Зокиров, Қамариддин Исломов, Хайриддин Салоҳ, Оқназар Қурбонов ва бошқа кўпгина истеъдодли, меҳнатсевар ходимлар ҳам ўз соҳаларининг катта билимдонлари сифатида эл-юртга танилдилар, маънавиятимизни бойитишга муносиб ҳисса қўшдилар.

Архивимда таҳририят ходимлари ҳафтаноманинг беш йиллик юбилейини камтарона нишонлаган 1961 йил январ ойи дастлабки кунларида олинган бир тарихий сурат сақланиб қолган. Ўша куни таҳририят жойлашган Навоий кўча, 30-уй (ҳозирги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги биноси)да йиғилиб, кичик бир зиёфатдан сўнг, эсдалик учун суратга тушиш ниятида бинога кираверишдаги зина томон юрдик. Муҳаррир Воҳид Зоҳидовни юқори идоралардан бирига шошилинч тарзда чақириб қолганлари сабабли у кишининг ўринбосари Санжар Тилла ҳаммани бошлаб тушди. Вазирликка ўз хоҳиши билан келаётган Ўзбекистон ҳалқ шоири Собир Абдулла ҳам ўша ерда бизга қўшилди. Таҳририят суратчиси Суннат Нурмуҳаммедов ҳаммани зина қаватларига жойлаштириб, уч оёқли фотоаппарати тугмасини босиб юборишини кўчадаги бир ўткинчидан илтимос қилдию лип этиб Собир Абдулла билан Фатҳиддин Насриддиновнинг ўртасига туриб олди. Ўткинчи йигит тугмани чиқ эттириб босдию сурат олинди-қўйди.

Эртаси куни сурат ҳаммага тарқатиб чиқилди. 45 йил умр кўрган бу суратни мен энг қимматбаҳо мулк сингари авайлаб-асрайман. Чунки унда навқирон чоғим, қалбимда ўчмас хотиралар қолдирган қадрдон ҳамкасбларимнинг унутилмас чеҳралари муҳрланган.

Муҳтарам газетхон! Энди сизни ҳафтаномада ишлаб, тарихга айланган азизу мукаррам зотлар билан таништирсам: биринчи қаторда (чапдан) таҳририят бўлим мудири, болалар ва катталарга аталган ўн чоғлик китоблар муаллифи Собир Юнусовнинг ўта ёқимли қиёфаси. У киши кўп йиллар ёш томошабинлар театрида олий тоифадаги актёр сифатида спектаклларда энг масъулиятли, бош ролларни бажарган, «Алишер Навоий» бадиий филмида Мансур ролини ижро этиб, ўзбек кинематографияси тарихига кириб қолган. Кейинчалик журналистика соҳасида ҳам кучли истеъдод соҳиби эканини намоён этган, ҳафтаномадан ташқари «Ёш ленинчи» газетасида бош муҳаррир ўринбосари, «Пионер» ойномасида, «Камалак» нашриётида бош муҳаррир лавозимида кўп ва хўп фаолият кўрсатган.

КЎЗ ЎНГИМДА ЯРИМ АСР

СУРАТДА: *биринчи қатор чапдан:* Собир Юнусов (ташвиқот бўлими мудири), Собир Абдулла (машҳур драматург), Суннат Нурмуҳамедов (суратқаш);
иккинчи қатор: Ёнғин Мирзо (санъат бўлими мудири), Санжар Тилла (бош муҳаррир ўринбосари), Миад Ҳакимов (масъул котиб), Оқназар Қурбонов (адабий ходим), Фатҳиддин Насриддинов (бўлим мудири);
учинчи қатор: Ҳусниддин Шарипов (адабий котиб), Шариф Юсупов (адабиёт бўлими мудири), Нури Ғалиев (безакчи), Эркин Носиров (адабий ходим), Эркин Зокиров (адабий ходим), Хайриддин Салоҳ (адабий ходим).
Сурат «Ўзбекистон маданияти»нинг 5 йиллиги кунида — 1961 йил 4 январда олинган. Муҳаррир Воҳид Зоҳидов суратга тушмай қолган.

Яна шу қаторда шляпасини чап қўлида ушлаганча машҳур драматург Собир Абдулла турибди. Кексайиб қолганига қарамай, қалбида чўғ, эҳтирос зарра сўнмаган бу улкан ижодкор таҳририятларга ҳамиша янги латифаю бир-биридан қизиқроқ ривоятлар топиб келиб, хоналарда шағал тўккандек гурра-гурра кулги кўтарилишига сабаб бўларди. Собир Абдулланинг ёнида сиз кўриб турган сурат соҳиби Суннат Нурмуҳаммедов эдики, навқирон ёшида ҳаётдан кўз юмган бу ижодкордан энг яхши хулқ-атвор ва таҳририят хазинасини бойитган юзларча тиниқ суратлар хотира бўлиб қолди. Унинг ёнида кўркам чеҳрали, алп қоматли Фатҳиддин Насриддинов ҳафтаномада самарали меҳнат қилганидан сўнг ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факултетида кафедра мудири лавозимида узоқ йиллар ишлаб, журналист кадрлар тайёрлашда фидоийлик кўрсатди. Иккинчи қатор санъат бўлими мудири Ёнғин Мирзодан бошланади. Ёнғин Мирзо айниқса қўшиқнавис шоир сифатида халқимиз орасида машҳур эди. Ўнлаб лирик панд-насиҳат қўшиқларига асос бўлган шеърлари, газета саҳифаларида эълон қилинган кўплаб эҳтиросли мақола, очерк, бадиалари ундан ёдгорлик бўлиб қолди.

Ёнғин Мирзонинг ёнида салкам йигирма йил мобайнида бош муҳаррир ўринбосари лавозимида ишлаган Санжар Тилланинг унутилмас чеҳраси нақшланган. Умрининг катта бир қисмини ҳафтаномага бағишлаган Санжар ака таҳририятнинг энг оғир ишлари учун яратилгандай эди. Уни ҳамиша тайёрланаётган сон корректураси устида ёки босмахонада кўрардингиз. Унинг ёнидаги Миад Ҳакимов Москвада Халқаро Алоқалар институтини имтиёзли диплом билан тугаллаган бўлса ҳам бутун фаолиятини журналистикага бағишлади, ўзи мутахассис бўлган турк адабиётидан таржималар қилди, нашриёт, газета, журнал таҳририятлари ишини ўта билимдонлик билан бошқарди.

Миад Ҳакимов ёнидаги Оқназар Қурбонов ҳам ҳафтанома таҳририятида бир неча йил қизғин фаолият кўрсатгач, илмий салоҳиятига кўра, мана неча ўн йилдирки, Гулистон давлат университетида кафедрани бошқармоқда. Учинчи қатор кўплаб шеърий китоблар, қўшиқлар муаллифи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ҳусниддин Шариповдан бошланади. Бу улкан эҳтирос соҳибининг ҳароратли қўшиқлари ҳам тингловчилар қалбини ром этиб келмоқда. У таҳририятда адабий котиб лавозимида ишлаб, ўз ҳамкасбларининг газетада чоп этиладиган материалларига қанчадан-қанча қалб кўрини қўшганлиги ҳақида ҳануз гапирилади. Унинг ёнида 6-7 йил давомида таҳририятда намакхўрда бўлиб, худди шу ҳафтанома туфайли юртга танилган, кейинги 43 йил мобайнида ҳам бирор кун бу табаррук даргоҳдан дил узолмай, ҳамиша унинг хизматларига «лаббай» деб келаётган камина турибман.

Менинг ёнимда эса ҳафтаноманинг ўша вақтдаги навқирон безакчиси Нури Ғалиев деган йигит. У ҳам ҳафтаномада, кейинчалик нашриётларда ўз касбининг устаси сифатида ажойиб ишлар қилди. Нури Ғалиев ёнида таниқли журналист, адиб ва таржимон Эркин Носировнинг навқирон чеҳрасини кўрамиз. Жамоанинг жони бўлган, ҳар жиҳатдан ёқимли бу йигит таҳририятда адабий ходим, бўлим мудири, масъул котиблик лавозимларида ҳамма ҳавас қиладиган даражада фаолият кўрсатганидан кейин «Советская культура»нинг Ўзбекистондаги мухбири, республика Ёзувчилар уюшмасининг котиби лавозимларида ҳам шуҳрат қозонди.

Унинг ёнидаги Эркин Зокиров таҳририятда адабий ходим бўлиб ишлаган йилларида қизиқарли мақола ва очерклари билан бошқа матбуот нашрлари раҳбарларининг ҳам эътиборини тортиб, аввал телевидениеда, кейин республика радиосида масъулиятли лавозимларда ишлади. Ниҳоят учинчи қатор сўнггида бир қадар маъюс боқиб турган Хайриддин Салоҳни бот-бот эслайман. У таҳририятда шеърият масалалари билан шуғулланар, кўпчилик қалбини ром этувчи шеърий асарлари билан газетада, радио ва телевидениеда, журналлар саҳифаларида тез-тез чиқиб турар, китобхонлар унинг шеърий тўпламларини қидириб юриб ўқишарди. Аттанг, ёш кетди, бироқ ижоди, ҳавас қиларли феъл-атвори билан ўзига ҳайкал қўйиб кетди.

Ўйлаб қарасам, суратдаги 14 нафар ижодкордан атиги 4 киши қолибмиз. Ўтганларнинг ҳаммасидан Аллоҳ рози бўлсин. Газетадан ёдгорлик бўлган тўртовлоннинг умри узун, ижоди сербарака бўлсин. Газетхонларга камоли эҳтиром ила:

Шариф ЮСУПОВ

Эллик йил аввал

ГАЗЕТАНИНГ БИРИНЧИ СОНИ

Таҳрир ҳайъатига Ўзбекистоннинг ўша вақтдаги энг машҳур зиёлилари — шоир Ғафур Ғулом, драматург Комил Яшин, адабиётшунос ва файласуф Воҳид Зоҳидов, мусиқашунос Илёс Акбаров, рассом Ўрол Тансиқбоев, Ўзбекистон маданият вазирининг ўринбосари Сулаймон Азимов, бош муҳаррир ўринбосари Ҳибзиддин Муҳаммадхонов ҳамда масъул котиб Наби Юсуфий киритилган эди.

Қўшма йиғилишда таҳрир ҳайъатининг ҳар бир аъзоси ва газетада ташкил этилган тўрт бўлимдаги ҳар бир ходим биринчи сондан ўзлари бошқарадиган соҳаларга тегишли материаллар кўпроқ жой олиши учун ўта қизиққонлик билан курашишар, фикрларини далиллар билан исботлашга ҳаракат қилишарди. Аммо ўша биринчи қўшма йиғилишдаёқ келажакда газетанинг эътибори асосан адабиёт ва санъат масалаларига қаратилажаги сезилиб қолди. Газетанинг номи «Совет Ўзбекистони маданияти» деб аталиши ҳам баъзи эътирозларга сабаб бўлди. Бу фикр тарафдорлари газетада фақат совет даври маданияти масалаларигина акс эттирилиб қолмай, ўтмишдаги маънавиятимизга ҳам жиддий эътибор берилиши лозимлигини айтдилар.

Бироқ таҳрир ҳайъатининг кўп йиллар партия ходими бўлган баъзи аъзолари ҳозирча бу масалани кўтаришнинг мавриди эмаслигини айтиб, бошқаларни кўндиришди. Лекин бу газетанинг номига тааллуқли масала бот-бот қайта кўтарилиб тураверишига натижасида орадан бир йил нари-берисида унинг номидан «совет» ибораси тушириб қолдирилиб, «Ўзбекистон маданияти» номи билан чиқа бошлади.

Энди газетанинг биринчи сонига қайтсак, у Ўзбекистон республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ёзувчилар уюшмасининг нашри сифатида ҳафтада икки марта, тўрт саҳифадан иборат ҳолда чиқадиган қилиб белгиланган эди. Газетанинг биринчи сони эса, 1956 йилнинг 1 январида эмас, балки 4 январида дунё юзини кўрди. Бунга сабаб 1 январ газетанинг чоп этилиши Бирлашган нашриёт томонидан белгиланган кунга тўғри келмай қолганида бўлиб, унинг чиқишини яна уч кун давомида ҳамма илҳақлик билан кутди.

Ниҳоят, 3 январдан — 4 январга ўтар кечасини таҳририят барча ходимлари учун иш соатлари деб эълон қилинди.

Таҳририят Пушкин ва собиқ «1 май» кўчаларининг чорраҳасида, ҳозирги «Болалар дунёси» магазинининг рўпарасида, ўша вақтлардаги Маориф вазирлиги биносининг биринчи қаватида жойлашган бўлиб, газета «Правда Востока» (ҳозирги Бухоро) кўчасидаги босмахонада терилиб, 4-қаватдаги икки хонада корректураси ўқилиб, тузатилгач, Ленинград (ҳозирги Матбуотчилар) кўчасидаги босмахонада чоп этиларди.

3 январдан 4 январга ўтилиб диган бутун кеча давомида Мумтоз Муҳамедов, Ҳибзиддин Муҳаммадхонов, Наби Юсуфий, Бердиали Имомов, Миад Ҳакимов, Туйғун Валиев, Тўлқин Обидов, Мутал Рустамов, Муҳсин Алиев, Нурмуҳаммад Турмуҳамедов, Сами Абдуқаҳҳор ва камина фидойи меҳнат қилиб, қайта-қайта корректура ўқиганмиз. Бироқ, ҳали-ҳали ёдимда, корректурани ўқиганимиз сари яна босмахонадан ғиж-ғиж матбаа хатоси билан чиқаверар, баъзан сатрлар, баъзан эса бутун бошли абзацлар ўрни алмашиб ёки тескари бўлиб чиқаверарди. Зотан, у вақтлардаги босмахона техникаси ўта ибтидоий бўлиб, материаллар линотипчи томонидан қўлда терилиб, бир ёнга қўлда олиб қўйилар, баъзан терилган материал сочилиб кетиб, уни қайта тиклаш турган-битгани азобдан иборат бўларди. Шулар сабаб бўлиб саҳифаларни 5 январ чошгоҳгача ҳам бош муҳаррир имзо чекадиган даражага келтира олмадик. Ниҳоят, кеч соат 4ларга бориб, аввал ўша кунги навбатчи Миад Ҳакимов, сўнгра Мумтоз Муҳамедов «Разрешается в свет», дея имзо чекишди. Салкам бир кеча-кундуз мобайнида чеккан мислсиз машаққатларимиз шундай нурли интиҳо топди. Ҳаммамиз ҳорғин ҳолда янги газета дунё юзини кўриши билан бир-биримизни табрикладик. Қувончимизнинг чеки йўқ эди.

Ш.ЮСУПОВ

ИШОНЧЛИ МАСЛАҲАТЧИМ

Менинг севимли газетамиз билан танишувим унинг ўтмишдоши «Ўзбекистон маданияти»дан бошланган ва бунга... «таажжуб» деган сўз сабабчи бўлган. Ўтган асрнинг 60-йилларида ўрта мактабдаги диктантимда шу сўзни битта «ж» ҳарфи билан ёзганман ва хатойимни тан олгим келмаган. Ўқитувчимиз Мадина опа Юсупова кейинги дарсда «Ўзбекистон маданияти» газетасидан «таажжуб» сўзини топиб кўрсатар экан, «газета хато қилмайди», деб қўйган секингина.

Бу менга мактаб бўлди. Пахта териб топган пулимга газетага обуна бўлдим. Шундан бошлаб адабиёт газетаси менинг доимий ҳамроҳим ва маслаҳатчимга айланиб қолди.

Газета саҳифаларида чоп этилган экология, Орол денгизини сақлаб қолиш, давлат тили мақоми каби долзарб масалаларга бағишланган кенг қамровли мақолалардан, адабий танқидчиларнинг мулоҳазаларидан кўп нарсани ўрганганман. Булар менга техника фанлари соҳасида анча равон илмий мақолалар, ҳатто монографиялар ёзишда жуда қўл келган.

Бир газетхон сифатида эътироф этаман: адабиёт газетамиз кейинги йилларда мазмун ва мавзулар қамрови жиҳатидан янги поғонага кўтарилди. Энг муҳими, ҳаммамизнинг севимли нашримизга айланиб қолди.

Газетамиз ходимларига янги ижодий парвозлар тилайман.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
техника фанлари доктори

Мусиқа соҳасида турли йўналишда концертлар, конкурслар, фестивалларнинг тез-тез ўтказилиши яхши анъанага айланган. Шу йил Тошкентда илк бор композиторлар учун «Мастер-класс» тадбири бўлиб ўтди. Бу тадбир Ўзбекистон маданияти ривожига ҳисса қўшувчи «Швец бюро» ҳомийлиги томонидан тузилган «Ominibus laboratorium» ансамбли томонидан ўтказилди.

АНСАМБЛНИНГ ИЛК ҚАДАМЛАРИ

Мазкур ансамбл бир йил аввал «Илҳом» театр-студияси қошида ташкил қилинганди.

Бу йилги концерт мавсумида янги йўналишдаги «Ominibus» гуруҳи мусиқа ихлосмандларига олти март ўз дастурини тақдим этди. Гуруҳ март ойида «Швецария без границ» деб номланган мусиқа фестивалида қатнашди. «Швец бюро» ҳомийлиги дунёга машҳур композиторлар Х.Холигер, М.Митро ва К.Хубер асарларини жонли тинглашга яқиндан кўмаклашмоқда. Кўҳна Самарқанд шаҳрида ана шундай концертлар муваффақиятли ўтди.

«Ominibus laboratorium»нинг асосий мақсадларидан бири янги йўналишда, замонавий техник воситалар ва электрон мусиқа ёрдамида Оврупо композиторларининг машҳур ва ноёб асарларини ўзбекистонлик мухлисларга етказишдир.

Бу изланишларда Ким Артём бадиий раҳбар, Жаҳонгир Шукуров продюсер сифатида ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Нурхон ИСМАНОВА

Журналларни варақлаганда...

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» журналининг 2005 йил иккинчи-учинчи фасли нашрдан чиқди.

«Шарқ юлдузи» журнали сондан-сонга салмоғини ошириб, мундарижасини бойитиб, ранг-баранг жанрлардаги ва турли авлодлар қаламига мансуб асарларни эълон қилиб ўқувчилар эътиборини ўзига тортаётир. Чунончи, классик шоиримиз Лутфийнинг бир жуфт ғазали берилгани бугунги журналхонга маънавий завқ улашади, ҳамда уни бебаҳо мумтоз адабиётимиздан, қисман бўлса-да, баҳраманд этади. Худди шундай фикрни атоқли адибимиз Миртемирнинг «Ёруғлик» (1974) шеъри, Зафар Диёрнинг болаларга аталган асарлари, Мирмуҳсиннинг адабий ўйлари ёки Тилак Жўранинг бир туркум шеърлари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Маъруф Жалилнинг сўнгги ижодий ишларидан бири — қадимги дунё ривоят ва ҳикоятларидан таржималари эълон қилингани ҳам ғоят хайрли иш бўлган.

Аслида адабий жараён ўзи шу — ўтмиш, кечаги кун ва бугуннинг узвийлиги, турли авлодга мансуб адиб ва ижодкорларнинг бадиий адабиёт ихлосмандлари билан йиллар ва асрлар оша бардавомлик касб этаверадиган ижодий мулоқоти. Шу маънода «Шарқ юлдузи»нинг мазкур тадбир ҳамда усулини фақат қўлламоқ лозим. Юқорида тилга олинган адиблар ижод намуналарининг алоҳида-алоҳида («Бу ишқ сиррин рубоб этдинг...», «Дафтарларда қолган сатрлар», «Дурдона», «Болалар дунёси» каби) рукнларда берилгани адабий меросга эъзоз ва эҳтиром ҳамда эътиборни тортадиган белгилардир.

Шубҳасиз, журналнинг мазкур фасллари салмоғини бугунги наср ва назмдаги янгиликлар белгилайди. Бу жиҳатдан адиб Муҳаммад Алининг «Улуғ салтанат» тарихий романининг иккинчи китоби давоми, қорақалпоқ ёзувчиси Шарап Уснатдиновнинг «Менинг Озод дўстим» эссеси, И.Муҳаммад, Ҳ.Манзуров, С.Салоҳиддинов ҳикоялари қизиқиш билан ўқилиши тайин. Шоирлар Эркин Самандар, Усмон Қўчқор, Чоршаъм, Умида Абдуазимова ва Рустам Мусурмоннинг янги туркумлари, «Мушоира этади давом» рукнида берилган бир гуруҳ ёшларнинг шеърлари ҳозирги давр шеъриятимиз имкониятларини рўй-рост кўрсатади.

Шу ўринда яна икки асар — ҳиндистонлик забардаст нақшбандий аллома Шайх Аҳмад Сирҳиндий «Мактубот»идан берилган намуналар, шарқшунос Абдусаттор Жуманазарнинг тадқиқоти ҳамда фалсафа фанлари доктори Виктор Алимасовнинг «Конфуций» мақоласи ҳам журнални мазмунан бойитганини таъкидлаш жоиз.

«Адабиётшунослик» рукнидаги Й.Солижонов, М.Олимов ва бошқа тадқиқотчиларнинг мақолалари, роман, қисса, ҳикоя жанрларига хос хусусиятлар, муҳим бадиий-эстетик муаммолар таҳлилига бағишланган.

Бутун умрини ноширликда ўтказган, қувноқ ва зукко, кулги устаси Эркин Сиддиқов ҳақидаги ёруғ хотираларни — ҳам ибратли, ҳам сершавқ ҳаётий ҳангомаларни ёзувчи Аҳмаджон Мелибоев «Эркин қизиқ нима дейди?» сарлавҳаси остига жамлаб «Гулқайчи» рукнида ўқувчиларга тақдим этган. Мазкур рукнда яна шоир Турсунбой Адашбоевнинг ҳазил шеърлари, пародияларини ўқийсиз.

ҲАЁТИЙЛИК ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИК УЧУН

Бошланган кураш лаҳзалари

Яқин ўтмишларни эсга олсангиз, беихтиёр хўб замонлар бўлган экан-да дейсиз. Осмондан бўлдими, ерданми, одамларнинг равиш-рафторлари ўзгардими, саксонинчи йилларнинг кираверишида Горбачев замонасида жаҳон ижтимоий фикрининг кўпда кўз илғамас шиддати остида собиқ иттифоқ салтанатида коммунистик матбуот ва айниқса, газеталарнинг эркинлик — эркин фикр сари оғиши бошланди. Фикрлар таранг тортилди. Саксонинчи йилларнинг ўртасига бориб ва ундан бироз оғиб бу фикрнинг ҳаракати «қайта қуриш» деган даврга ўтди.

Асқад Мухтор муҳаррирлик қилган пайтларда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталик газетаси ёзувчилар, санъаткорлар, маданият намояндаларининг ишонган, севган, дардлашадиган ва бир ҳафта кўрмай қолса қаттиқ соғинадиган минбари эди. 1982 йилнинг ёз ойида бу газетага Одил Ёқубов бош муҳаррир қилиб тайинланди. Одил Ёқубов «Литгазета»да мухбир бўлиб юрган кезларда ижтимоий фикр ва журналистика ичига анча чуқур кириб бориш имкониятига эга бўлган эди. Биз адабиёт ихлосмандлари ва муҳиблари оддийгина қилиб «Адабиёт газетаси» деб атайдиган минбарга бош муҳаррир бўлиб ўтгач, Одил Ёқубов жуда катта ғайрат билан енг шимариб ишга киришди. У адабиёт,



ҳаёт, инсон манфаатлари нималарни тақозо қилишини ғоятда теран тушунар ва билар, ёзувчи, ижодкор сифатида теран тасаввур қиларди. У исталган мавзуларда баҳслашадиган, дардлашадиган, сирлашадиган ва бемалол фикрлашадиган газета бўлишини орзу қиларди. Бу орзу унда газетага ишга ўтгандан кейин туғилган эмасди. Бу орзу унда анча кўп замонлар илгари юрагига гавҳардай ўрнашган, ёзувчилик ҳаётининг маъноси ва мақсадини ҳам бир чеккаси шу олижаноб орзу белгилар, ҳаракатга соларди. Газета дадил баҳслар ичига кирди. Баҳслар, мунозаралар ўз доирасига турли, илгари ҳеч тилга олинмайдиган ижтимоий, ахлоқий, маданий, адабий-бадиий, ҳаётий, инсоний масалалардан тортиб, уларни мумкин қадар кенг қамраб ёритишга интилди. Ҳа, бу масалаларнинг кўпи илгари ҳеч ёритилмаган, ҳатто тилга ҳам олинмаган эди! Газета ҳаётийлик, миллий ўзлик манфаатлари учун курашни ўзининг бош масаласи, бош йўлига айлантирди. Бу сира осонлик билан бўлгани йўқ. Ҳар бир сон кураш ичида чиқарди. Замон ҳавосида қандайдир эркинлик ва плюрализм — ранг-баранг фикрлар билдириш ва баён қилиш руҳи тинмай кезарди. Адабиёт газетасига бу қўл келар, унинг баҳслар олиб боришдаги журъатига мададкорлик қиларди. Одил Ёқубов ва газета ҳаёт ва адабиётнинг катта иши — катта ҳақиқатига бошини тикди. Буни энди баралла айтиш мумкин. Тарих аллақачон тан олган, нарсани энди рўйрост ва бутун аҳамияти ва миқёси баробарида эътироф этиш мумкин. Адабиёт газетаси 1982 — 1985-йиллар орасида том маънода танқидий ва чин публицистик оҳангдорлик касб этди. Публицистик ва танқидий йўналишларни, уларнинг халқ ва адабий жамоатчилик учун афзал томонлари, мўлжалларини белгилаб олишга эришди. Бу йўналишлар ва мўлжаллар — айниқса, танқидий, публицистик оҳангдорлик 1985 — 1989-йилларда ўзининг ижодий зирваларига кўтарилди. Газета 1986 йилнинг биринчи сонида 200 минг нусхада чиқа бошлаганлигини эълон қилиб, ўқувчиларини беҳад хурсанд қилди. Унинг тиражи йилдан йилга кўтарилиб борди. «ЎзАС» 1988 йилда 400 мингга, 1989 йилда эса 800 мингга чиқди. Бу пайтда газетага журналист, публицист Аҳмаджон Мелибоев раҳбарлик қилди. У газетанинг йўли (имидж)ини сақлади ва кучайтирди. Газета биринчилардан бўлиб масалаларга синфий ёндашувлардан воз кечди. Биринчилардан бўлиб марксистларнинг мафкуравий маҳдудликларга олиб борган шиоридан воз кечди ва уни саҳифасидан олиб қўйди.

«ЎзАС» — биз энди уни суюб ва эркалаб шундай қисқартма ном билан атардик — чинакам халқнинг дардларини баён этадиган ошкоралик газетасига айланди. Газетанинг «Бир асар ҳақида икки фикр», «Меросимизни ўрганамиз», «Нутқ одоби сабоқлари» «Куюнчак газетахонлардан хатлар», «Дилкаш суҳбатлар», «Олтин калом», 1985 йилдан очилган «Инсон, ахлоқ ва қонун» рукнлари, беҳад қизиқарли давра суҳбатлари халқ орасида машҳур эди. Газета адабий танқид ва унинг жанговарлиги, илғор ғояларни кўтариб чиқишига катта эътибор қаратарди. Адабий танқид бу йилларда газета фаолиятининг жон томири — озиқ томирига айланди. Қўшиқчилик, матншунослик, кино, тил, театр ҳақидаги баҳсларни ҳали-ҳамон эслаймиз. Улар ижтимоий-адабий мафкурадаги жуда катта ўзгаришларга туртки бўлган, шундай ўзгаришларни жамиятга берган эди. Таҳририят адабий, ижтимоий баҳслар олиб бораркан, яратилаётган бадиий асарларда ижтимоий ҳаракатчанлик, инсонни ижтимоий салмоқли ва қимматли хусусиятлари баробарида кўрсатиш талабларини изчил тарзда қўйди. Газета ҳар бир чиқишида, ижодий суҳбатлар давраларида турмуш муаммоларига жавоб топишни муҳим деб билди, ўзи доим шунга интилиб, миллионлаб ўқувчиларини ҳам худди мана шундай муаммоларга жавоб топишга чақирди. Умарали Норматов, Норбой Худойберганов, Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Абдуғафур Расулов, Ҳафиз Абдусаматов, Собир Мирвалиев, Аҳмад Алиев ва улар билан изма-из Иброҳим Ҳаққул, Аҳмад Отабой, Ортиқбой Абдуллаев, Аҳмад Аъзам, Маҳмуд Саъдий, Ҳамидулла Болтабоев, Нусратилла Жумахўжа, Нажмиддин Комилов, Низомиддин Маҳмудов, Раҳимжон Отаев, Маҳкам Маҳмудов, Яшар Қосимов, Акрам Каттабеков, Нўъмон Раҳимжонов, Бахтиёр Назаров сингари кўпгина адабиётни севган, таҳлилларида ўлмас қадриятларга суянадиган, адабиётнинг жон манфаатларини устун қўядиган талантли муҳаллиллар, мунаққидлар фикр майдонини қизитишарди. Алибек Рустамов, Азиз Қаюмов, Суйима Ғаниева, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Ваҳоб Раҳмонов, Ботирхон Акрам, Исматулла Абдуллаев, Амонулла Валихонов мумтоз меросимизни янгича ўқиш ва янгича тушунишнинг илмий-назарий, методологик меъёрлари устида баҳс юритишар, Наим Каримов, Шерали Турдиев, Бойбўта Дўстқораев, Сайди Умиров, Сирожиддин Аҳмад, Бегали Қосимов, Ғайбулла Саломов империя тазйиқи ва зўравонлигига дучор бўлган маданиятимизнинг намояндалари асарлари, ҳаёт саналарини ёруғликка олиб чиқишда жидду жаҳд кўрсатардилар. Ҳали ҳамон эсимизда ёш муаллим ва адабиётчи Қозоқбой Йўлдошевнинг Ҳамид Ғуломнинг шошиброқ ёзилган «Қорадарё» романи ҳақидаги ўқувчини чалкаштирманг, деган ўта аччиқ мақоласи. Ҳали ҳамон эсимизда Туроб Тўла билан Ҳасанали Рустамовнинг «Эрайим пахта шопирадими?», деб қилган алангали чиқишлари. Ҳали ҳамон эсимизда Пиримқул Қодировнинг ўзбек романининг янги босқичлари ҳақидаги кенг мулоҳазалари. Ҳали ҳам эсимизда Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповларнинг шеър мезонлари борасидаги пайдар-пай фикрлашлари. Ҳали ҳам эсимизда унутилмас Озод Шарафиддиновнинг 1985 йилдаги «Янги миқёслар сари» деб номланган ўткир суҳбати, ҳали ҳам эсимизда китобхон Зулайхо Сатторованинг ёзувчиларига ёзган очиқ хати. Ҳеч эсдан чиқариб бўладими Озод Шарафиддиновнинг ёзувчи Иброҳим Раҳим билан «Генерал Равшанов» романининг бадиий хусусиятлари ва айниқса, унинг тили юзасидан қилган катта аҳамиятга эга мулоқотлари. Эсимизда Мирмуҳсиннинг «Темур Малик» романи устидаги баҳслар ва у билан бошланган бадиий асарда тарих қандай ёритилиши лозим, деган жуда оддий ва лекин жуда долзарб масала. Эсимизда ҳали Асқад Мухторнинг «Шеър — шоирнинг ижтимоий виждони» деган йирик мақоласи ва унда айтилган, хусусан: «...шоирда миқёсли тафаккур маданияти, таҳлил маҳорати, маънавий интилишлар бадиий дид билан бирлашиб кетиши керак», деган катта ижодий тажрибадан келиб чиққан фикрлари. «ЎзАС» яна икки йилдан сўнг Асқад Мухторнинг «Янги давр ўзи бўладими?» деган мақоласини босди. Унда адабиётимизда илк бор шахс муаммосига, унинг ички курашига, теран психологизмга эътибор қаратилди. Адабиётимиз амалиётида илк бор «конфликтларни ташқи юзаки пландан ички дунё сферасига кўчириш» муаммоси қўйилди. Эсимизда, бу антиқа даврни Эркин Воҳидов «янги тараққиёт йўлига кирган давр» деса, Абдулла Орипов уни «покланиш даври» деб атади.

Эсимизда, худди мана шу даврларда адабий танқидчилик Хайриддин Султон, Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Эркин Аъзам, Неъмат Аминов, Ўткир Ҳошимов, Ғаффор Ҳотамов, Ўлмас Умарбеков, Шукур Холмирзаев, Учқун Назаров, Жонрид Абдуллахонов, Пиримқул Қодиров, Асқад Мухтор, Иззат Султон, Иброҳим Раҳим, Мирмуҳсин, Ҳамид Ғулом сингари таниқли ёзувчиларнинг асарлари тўғрисида эътиборли, ўта таъсирчан баҳслар олиб борди. Саид Аҳмад, Шукрулло, Рамз Бобожон, Туроб Тўла, Раҳмат Файзий, Шароф Рашидов, Сарвар Азимов сингари адибларнинг асарларини анча чуқур илмий-танқидий таҳлилдан ўтказди, шеърият, публицистика муаммолари устида мунозаралар қилди. Таҳририятимизнинг янги авлодини тарбиялади, ижодий мактаблар эшикларини очди. Ўткир Ҳошимов, Дадахон Нурий, Карим Баҳриев, Ҳабибулла Олимжонов, Нусрат Раҳмат, Қулмон Очил, Маматқул Ҳазратқулов, Усмон Азимов, Мирза Кенжабоев, Ашурали Жўраев, Бекқул Эгамқулов, Абдунаби Ҳайдаров, Ёқубжон Хўжамбердиев, Хуршид Дўстмуҳаммедовнинг ёрқин публицистик чиқишлари адабиётимиз ва публицистикамизнинг ўша давр учун характерли гўзал ва бой саҳифасини ташкил этади. Афсуски, бу ерда улар тўғрисида тўхталишга (тўхталинса қанча эътиборли, ғоятда қизиқ гаплар бор) газета имконияти кўтармайди.

«ЎзАС» орқали адабиёт, санъат, ижтимоий тафаккурга мана шулар баробарида ранг-баранглик, ошкоралик, ҳақиқатнинг қирралари кириб келди.

Бу йилларни «ЎзАС» фаолияти билан чамбарчас ҳолда фикрнинг чинакам янгиланиши даври, деб аташ ҳақиқатга яқиндир.

Бугун ижтимоий-сиёсий шароитлар, институтлар тубдан ўзгарди, халқ тарихий орзуси — озодликка эришди. Мустақил мамлакатни қураяпти. Қувонамиз: Адабиёт газетамиз ўз мавқеи, ўз зиёли овози, ранг-баранг ҳодисаларга ўз вазмин, зиёли муносабатини сақлаб қолди.

Орада кўп иқтидорли, таниқли муаллифлар мангу сафарга кетишди. Ҳаёт бир жойда қотиб турмайди. Янги руҳ, нафас, сўз билан янги ижодкорлар газета саҳифаларида туғиляпти. Улар билан бирга янги марраларни кўзлаяпти.

Газетанинг сўзи, шарҳи бугун ҳам ижтимоий салмоқ ва таъсирчанликка эга. У ҳамон ўз хушманд ўқувчилари учун севимли.

Умид қиламизки ва ишонамизки, келажакда ҳам газетамиз халққа чин дўст, ҳамкор ва дарддош бўлиб қолади.

Иброҳим ҒАФУРОВ

МИЛЛАТНИ УЛҒАЙТГАН НАШР

Газета ва газетхон

Ҳар бир миллатнинг шаклланиши ва тараққиётида алоҳида хизмати сингган даҳолар, аллома ва фозиллар бўлгани каби, унинг ўзлигини таниши ва дунёга танитишида асқотарли воситалар бўлади. Ана шундай ахборот воситаларидан бири «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигидир. Бироқ мўътабар нашримизга фақат оммавий ахборот воситаларидан бири деб қараш камлик қилади. Чунки бу нашр маданиятимизнинг ҳар бир жабҳасини ўзининг нурли йўллари билан ёритган маънавий дастёрдир.

Мумтоз адабиёт муаммоларидан даҳо санъаткорлар ҳаётигача, адабий жараён хусусиятларидан «Шум бола чойхонаси»даги ҳангомаларгача ҳафта ўтмай соғиниб ўқиладиган, ўқиганларини албатта бошқаларга етказишга шошиладиган газетхонлар ҳам мана шу нашрга тегишли. Агар газетанинг тарихига назар ташласак, ўтган эллик йил давомида миллат маънавиятини улғайтириш учун чеккан заҳматини ёрқин тасаввур этишимиз мумкин. Адабиётимиз тарихининг поғоналарини ҳам, айрим кемтик жиҳатларини ҳам, мана, ярим асрдирки, куюнчаклик билан англатиб турибди.

Ўз адабий тажрибамга таянадиган бўлсам, менга оддий газетхонликдан ўзининг муаллифларидан бирига айлантириш жараёнида неларни ўргатмади?! Нимани ёзиш, қандай ёзиш, баҳс маданияти, таҳрир санъати, газетхонлар билан мулоқот каби масалаларда доимо кўмакдош бўлганини, ўқиладиган қилиб ёзишга йўналтирганини бир улуғ устоз тажрибасидек қабул қилганман. Нимани ёзиш эмас, нимани ёзмаслик, имкони борича ёзмай туриш масъулиятини ҳам мана шу нашрни кузатиб сабоқ олганман. Адабиёт олами янгиликларининг ҳушёр назоратчиси сифатида жаҳон адабиётини кузатиб борган, унинг рангин ҳосилларини ўзбекларга биринчилардан бўлиб илинган ва бир шингил бўлса-да, тотиб кўришга ҳиммат қилган фаол нашр ҳам адабиёт газетасидир.

Жонли адабиётни таниган талабалик пайтларимизда «Ўзбекистон маданияти» чиқадиган сешанба ва жума кунлари биз учун адабий байрам бўлар эди. Ҳали жума куннинг руҳоний ҳосиятини англаб етмай туриб, жумани ҳафтанинг қадрдон кунига айлантирган ҳам мана шу нашр эди. Бу нашрдан ўрганган сабоқларимизни айтиб тугатиб бўлмайди, бироқ бундан ўттиз йил аввал мана шу мўътабар нашрда ўзининг биринчи мақоласини кўрган талабанинг қувончию муаллифлик масъулиятини тасаввур этиш мумкин. Бошқа муҳаррирлар тортмасида йиллаб қолиб кетиши мумкин бўлган мақолаларни тезроқ газетхонларга етказишга шошилгани, адабий жараён савияси кўтариш учун буюртмалар берганини, қўлига тушган матнни ҳам эринмай таҳрирдан ўтказиб, ҳам мунаққиднинг, ҳам ўқувчининг ўсишига ёрдам қилганини дилдан ҳис этаман. Яқинда эллик йиллик сарҳисоб баҳонасида эълон қилинган асарларим рўйхати тайёрланди, унинг қарийб ярмидан кўпроғи мана шу газетада чоп этилганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Бир мақолалар тўпламимга нашр адресларини кўрсатишга тўғри келди ва унда ҳам, шубҳасизки, энг кўп такрорланган белги «ЎзАС» бўлиб чиқди. Фақат саноқда эмас, балки ёзганларимизни мазмунан тафтиш этганда ҳам энг оғизга тушган, эсга олинарли мақолаларимиз айни мана шу газета туфайли дунё юзини кўрганини эсламаслик мумкин эмас. Бу каби ҳолатлар биргина олимнингки камтарона меҳнати самараси билан боғлиқ бўлса, мамлакатимиздаги адибу олимларнинг, мухбиру санъаткорларнинг маънавий ҳаётида «ЎзАС» қанчалик муҳим аҳамият касб этганини тасаввур қилиш мумкин.

Айтилганлардан газетада фақат энг азиз, энг улуғ нарсалар чиққан эканда, деган тасаввур қолмаслиги керак. Ҳар бир нашрда бўлганидек, мафкура тазйиқига ожизона бўйин эгган, айрим расмий хабарларнинг такрорига айланган, янги чиққан китобларга «қутлуғ бўлсин» қабилидаги бўш тақризлар берилган ҳолатлар ҳам бўлган. Бироқ, эзгу ишнинг энг аввал фақат ижобий хислатини кўриш расм бўлганидек, биз ҳам газетамиз эллик йил давомида мерос қолдирган яхшиликларнигина эсга олаяпмиз. Зеро, Ҳазрат Навоий айтганидек:

Ноқис улки, ўзини комил дегай,
Комил улки, ўз нуқсини билгай.

Эллик ёшли баркамол газетамизга Яратганнинг ўзидан комиллик сифатларини тилаб

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ

ЯХШИЛАР ЁРИ

Севимли газетамиз «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» дунёга келган йили мен Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика бўлимининг иккинчи курс талабаси эдим. Янги газета ташкил этилаётган эмиш деган гапни эшитиб, биз — бўлғуси жўжахўроз журналист-ижодкорлар ўзимизда йўқ қувонган эдик. Янги газетанинг идора эшиклари очилиши биланоқ биз бу ерга югуриб борганмиз. Мен газетанинг деярли биринчи сонидан бошлаб унинг саҳифаларида адабий ҳаёт ва санъат мавзусидаги кичик хабарлар, мақолалар билан қатнашиб келганман. 1957 йил 16 март сонида эса «Талант куртаклари» деган умумий сарлавҳа остида университет ижодкор талабаларининг бир туркум асарлари, шеърлари босилди. Унда ўша пайтда талаба бўлган Эркин Воҳидов, Гулчеҳра Жўраева ва бошқаларнинг шеърлари қаторида менинг «Қўл ва қалам» деган масалим ҳам босилиб чиққан эди. Мана шундан бери мен газетанинг ашаддий ўқувчиси, ихлосманди, даримкон муаллифларидан бири бўлиб келмоқдаман.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасини ўзбек ижодий зиёлиларининг қалб кўзгуси, виждони деб аташ мумкин, чунки унинг ҳар бир саҳифаси шу куннинг энг керакли, энг рост гапини гапиради, адабиётни авайлайди, ўқувчини жуда юксак нурли чўққиларга етаклайди. Ҳамиша бор, яхшиларга ёр бўл, азиз газетам!

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ,
ёзувчи

ҲАБИБИЙНИНГ ҲАБИБИ

Ёки унутилган олим

Абдулаҳад Азизов 1900 йилнинг қиш чилласида Андижон вилоятининг Пахтаобод туманидаги Хайробод қишлоғида дунёга келган. 1908 — 1912 йиллари эски мактабда хат-савод чиқаргандан сўнг дастлаб Андижон мадрасасида, сўнгра Хўжанд, Қўқон ва Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган. Абдулаҳад форс ва араб тилларини мукаммал ўрганиб, ўзбек ва форс адабиёти намояндаларининг асарларидаги нафосатни теран ҳис этиш даражасига эришган. У мадрасани тугатганидан кейин адабиётга бўлган ана шу ишқи ўт олиб, қўқонқишлоқлик шоирлар даврасига қўшилди. Унинг бахтига ўша йиллари Қўқонқишлоқда Қори Зокир, Зокиржон Ҳабибий, Муҳаммаджон Маҳжурий, Абдуваҳоб Сайфий сингари шоирлар адабий гуруҳ ташкил этиб, аруз сирларини, мумтоз шоирларнинг сўздан ва шеърий санъатлардан фойдаланиш маҳоратини берилиб ўрганмоқда эдилар. Абдулаҳад Азизов ана шу даврага қўшилиб, мумтоз шоирлар, айниқса, Навоий ижодининг қунт билан ўрганди ва 20-йилларнинг ўрталарига келиб Навоий ижодининг билимдонларидан бири сифатида танилди. Ўзи ҳам устод шоирга эргашиб, «ҳабиб», «улфат», «дўст» маъносини англатувчи Анисий тахаллуси билан шеърлар ёза бошлади.

Шеърият билан шуғулланиш Шарқда ҳунар эмас, фазилат ҳисобланган. Бинобарин, шоирлар тирикчилик учун ўз дидларига яқин ёки отамерос ҳунарларни эгаллаб, бола-чақаларини парвариш этиб келганлар. Абдулаҳад гарчанд деҳқон оиласида туғилган бўлса ҳам, кетмондан кўра болға билан меҳнат қилишга иштиёқманд эди. Шунинг учун ҳам у чок машина, велосипед сингари техника асбоб-анжомларини тузатиб юрган.

Чилангарлик билан рўзғор тебратаётган кишининг 1938 йили Тошкентга, Навоий комитетига ишга таклиф этилиши унинг кейинги тақдирини кескин ўзгартириб юборди. Энди унинг фазилати айни пайтда ҳунари ҳам бўлиб қолди. Анисий домла Навоий асарларининг матни устида ишлаб, бу асарлар бўйича изоҳли луғат ва картотека тузишга киришди. Навоий лирик меросининг дастлабки нашри — 1940 йили чоп этилган «Чор девон»ни нашрга тайёрлашда яқиндан қатнашди. Афсуски, Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, Навоий юбилейига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ишлари дориломон замонларга кўчирилди.

Шундан кейин Анисий домла Андижонга кўчиб кетиб, 1958 йилга қадар Уйғур театрида адабий эмакдош ва чилангарлик ҳунарини тарк этмаган ҳолда, мактабларда меҳнат дарси бўйича машғулотлар олиб борди. Унинг бахтига шу даврда Андижонда Улфат, Ҳуррам, Боқир сингари шоирлардан иборат адабий муҳит давом этар, Тошкентдан Ғафур Ғулом, Ҳабибий, Собир Абдулла ўқтин-ўқтин бориб, бу муҳитга янги нафас бағишлаб келардилар. Анисийдаги мумтоз адабиётга бўлган оташин меҳрнинг сўнмаганини кўрган ва унинг билимидан фойдаланиб қолиш зарурлигини сезган Ғафур Ғулом 1958 йили унинг Тошкентга кўчиб келиши ҳамда янги ташкил этилган Бадиий адабиёт нашриётига ишга жойлашишига сабабчи бўлди.

Анисий нашриётнинг ўзбек мумтоз адабиёти бўлимига муҳаррир этиб тайинланди. У шу лавозимда хизмат қилар экан, Муҳаммад Қурбон Хиромийнинг ўзбек халқи ўртасида айниқса машҳур бўлган асари — «Чор дарвеш»ни нашрга тайёрлади. (Бу китоб 1961 йили нашр этилади.) 1959 йили эса, Анисий ЎзФА Тил ва адабиёт институтига ишга таклиф қилинади.

Ўша йиллари институт илмий жамоаси мумтоз ўзбек адабиёти намояндалари ижодини ўрганиш ва улар асарларини чоп этишга жиддий равишда киришган, шу соҳада тажриба орттирган Анисийнинг шу даргоҳга ишга келиши эса айни муддао эди. Анисий кичик илмий ходим лавозимида ишлаш жараёнида 30дан зиёд китоб ва рисолаларни таҳрир этиш, таржима қилиш ва нашрга тайёрлашда фаол қатнашди. Унинг, айниқса, Фузулий, Мунис, Муҳаййир, Нодира сингари мумтоз шоирларнинг асарларини нашрга тайёрлашдаги хизматлари мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Анисий домла институт илмий ҳаётида фақат матншунос ва таржимон сифатида фаолият олиб бормай, мумтоз адабий меросни ўрганишга астойдил бел боғлаган ёшларга яқиндан ёрдам ҳам берди. Маҳбуба Қодирова ва Содир Эркинов сингари фан докторларининг Нодира ва Лутфий ижодига, Ёқубжон Исҳоқов, Рўзи Қодирий, Валижон Мирзаев, Муҳаммаджон Маҳмудов, Тўлқин Расулев, Дилбар Раҳматова, Манзура Қодирова сингари ўнлаб фан номзодларининг Навоий, Огаҳий, Мирий, Мужрим Обид, Ғурбатий, Роқим, Аваз Ўтар, Сўфизода ижодларига бағишланган тадқиқотларининг майдонга келишида камтар олимнинг ҳам хизматлари йўқ эмас.

Анисий сингари зотлар учун ўзбек адабиётининг қадимий илдизларини пайпаслаб, номлари турли сабабларга кўра ўчиб кета бошлаган ижодкорларни тарих қаъридан чиқариб олиш энг хайрли ва савобли иш ҳисобланган. У шундай эзгу ният билан XIV асрда яшаган Бадри Чочий ижодини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Бадри Чочий Тошкентда туғилган бўлиб, 1332 йили Ҳиндистонга бориб қолган, Султон Муҳаммад Туғлиқ саройида хизмат қилган ва 1344 йили шу ерда бандаликни бажо келтирган. У турли шеърий жанрларда асарлар яратган бўлса ҳам, номи Шарқ адабиёти тарихига аввало қасидалари туфайли олтин ҳарфлар билан ёзилган. Анисий Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти хазинасида мавжуд бўлган, аммо ҳали бирор адабиётшунос олимнинг назарига тушмаган бу улкан шоирнинг қасидалар тўплами билан танишгач, унинг бошқа асарларини ҳам излашга тушди. Омади чопиб, Тожикистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг китоб фондидан Бадри Чочийнинг номаълум бир асарини топди-да, шоир асарларининг мағзини чақа бошлади.

Гап шундаки, Бадри Чочий ижодида қасиданавислик асосий йўналишни ташкил этган бўлса-да, бу қасидаларда подшо ва сарой амалдорларига ҳамду сано ўқиш эмас, балки уларнинг кирдикорларини фош қилиш устувор эди. Подшо саройида хизмат қилган шоирнинг салтанат устунларини ошкора танқид этиши маҳол эди. Шунинг учун у эл-юрт манфаати тақозоси билан ёзилган бу асарларида муаммо, мажоз, чистон, киноя сингари «махфий» тасвирий восита ва усуллардан самарали фойдаланган. Бинобарин, унинг асл ниятини тушуниш Нострадамуснинг башоратномасини тушунишдек мураккаб ва машаққатли иш эди. Мумтоз шоирларнинг асарларидаги сўз ва поэтик санъатларнинг мағзини чақишдан мисли сиз завқ олган олим учун бу айни муддао эди. Хуллас, Анисий Бадри Чочийнинг ҳаддан зиёд мураккаб тилда ёзилган 2800 байтининг маъносини чақиб, уларни ўзбек тилига насрий таржима қилди ҳамда «Шарқ адабиётида қасида жанри ва Бадри Чочий» деган мавзуда диссертация ёза бошлади.

Камина 1970 йили Анисий вафот этган кунлари мазкур диссертациянинг дастлабки саҳифаларини «Ўзбек тили ва адабиёти» журналига тайёрлаганимда олимнинг Шарқ адабиёти тарихини пухта билганини кўриб, лол қолган эдим.

Олим қасида жанрининг XIII — XIV асрлардаги тараққиёт йўлини кузатиб, шу даврда мазкур жанрнинг, мазмунига кўра, қуйидагича гуруҳланиши мумкинлигини аниқлаган: 1) соф фалсафий мазмундаги қасидалар; 2) кенг ижтимоий мазмундаги қасидалар; 3) ишқий мазмундаги қасидалар; 4) мадҳия мазмунидаги қасидалар; 5) табиат ҳодисалари ҳақидаги қасидалар.

Кўрамизки, дастлаб соф фалсафий йўналишга эга бўлган қасида жанрига секин-аста тарихий даврнинг ижтимоий муаммолари, ишқ-муҳаббат мавзуи, мадҳиячилик ва бошқа масалалар ҳам кириб келган. Кейинчалик бундай ўзгаришлар бошқа жанрларнинг табиатида ҳам рўй берган.

Олимнинг таъкидлашича, Бадри Чочий Деҳлида яшаган даврида улуғ ўзбек шоири Хисрав Деҳлавийнинг таъсири катта эди. Деҳлавий эса қасиданависликда Хоқоний анъаналарини давом эттириш йўлидан борган. Деҳлавийга муайян даражада эргашган Бадри Чочий ҳам Хоқоний изидан бориб, ўз фикрларини киноя ва қочиримлар билан баён қилган. «Бадрининг қасидалари, — деб ёзади олим, — аслида мақтов эмас, шоҳлар, амалдорларнинг фисқи фужурларини фош этиш, умуман, ўзи яшаган давр ҳаётига нисбатан Чочий муносабатининг ажойиб ифодасидир».

Афсуски, таниқли матншунос ва тадқиқотчи олимнинг ўзбек адабиётидаги қасиданавислик тарихига бағишланган тадқиқоти якунламай қолган, унинг тайёр қисми эса шу вақтга қадар ўз тадқиқотчиси ва ноширини топмай келмоқда.

Абдулаҳад Анисий ўта камтар, хоксор ва қалтақўл кишилардан бири эди. У 1953 йилнинг қиш ойларида Андижонда мушкул бир аҳволда яшаган пайтида Солижон исмли ҳамшаҳарининг 2 тонна кўмир тушириб берганидан «қишимиз баҳор», Ғафур Ғуломнинг унинг уйига электр чироғини ўтказиб берганидан эса «кечаримиз наҳор» бўлди, деб болалардек севинган ва шу ҳақда Ҳабибийга хат ёзиб, ўзининг чексиз қувончини билдирган эди. Олим шундай қийинчиликларда яшаганига қарамай, Тошкентда истиқомат қилган дўстига маҳси сотиб олиб, юборган ва Ҳабибий бу совғадан боши кўкка етиб, унга самимий сатрлар билан миннатдорлигини изҳор қилган эди.

1964 йилнинг ёз ойларида Тил ва адабиёт институтининг бир неча ходимлари Ленинградга илмий сафар билан бормоқчи бўлганлар. Уларнинг қистови билан Анисий ҳам Нева дарёси бўйларига бориб, Салтиков-Шчедрин номидаги жаҳонга машҳур кутубхонанинг нодир китоблар бўлимида ишлаган. Шундай кунларнинг бирида у, одатига кўра, Ҳабибий домлага бундай хат ёзган:

«Қори ака! Мен Ленинградга келишни у қадар кўнгилдан хоҳлаганим йўқ эди, лекин насиб бўлса, хоҳлар-хоҳламас бўлаверар экан. Бу ерларга келганим қўшилганидан ўзим ҳам ҳайрон қолдим. Аммо жуда хурсандман, чунки бу шаҳарни кўрмасак, армонда қолар эканмиз...

Биз ишлаётган кутубхонада 4 миллион нусха китоб бор экан, ҳар кун 1000 киши кириб, ўн минг китоб олиб, ўқилиб, яна жойига қўйилар экан. Бу иш баҳонаси билан ажойиб нодир асарларни кўздан кечирмоқдаманки, уларни бу ерда ёзиб тугатиб бўлмайди. Машҳур Қиблат ул-куттоб Султон Али Машҳадий, Мир Али, Мир Амир ва бошқа хаттотларнинг ёзган асарлари, Навоий ўзи кўздан ўтказган девон ва ҳамсалар, уларга берилган нақш-нигорлар, ғоят ингичка, мавҳум чизиқлар билан ишланган лавҳалар шундай сақланганки, бу кунгача ўзининг назокат ва латофатини йўқотган эмас».

Бундай самимий ва ҳайратомуз сўзларни фақатгина улуғ аждодларининг маданий меросига фавқулодда улуғ ҳурмат ва ифтихор туйғуси билан қараган, уларни ўрганишга бутун умрини бағишлаган кишиларгина ёзишлари мумкин.

Наим КАРИМОВ

Журналларни варақлаганда...

«ЁШЛИК» журналининг 2005 йил 6-сони нашрдан чиқди.

Журналнинг ушбу сонида таниқли шоир Абдусаид Кўчимовнинг «Дилгир-дилгир боқий кетди ой» деб номланган янги шеърлар туркуми эълон қилинган. Уларда шоир «чарх ураётган чарху фалак» воқеаларидан ҳикоя қилади, дунёнинг ишларини тийрак назар билан кузатиб, таъсирчан поэтик хулосалар чиқаради. Ҳумоюн Акбар шеърларида эса «кўнгиллар сири»дан сўз очилган, инсон қалбининг соҳир кечинмалари қаламга олинган. Шундай самимий дил розларига Муяссар Сайфуллоҳ қизи, Адиба Ҳамро қизи, Фармон Худойбердиев шеърларида ҳам гувоҳ бўласиз.

Ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошнинг ўзбековулликлар ҳаётидан олиб ёзилган «Кампирнинг дарди», «Муҳаббат оқшоми» ва «Қайдасан, мўъжиза...» номли ҳикоялари драматизмга бойлиги ва реал тасвирлари билан манзур бўлса ажаб эмас. Шунингдек, журналнинг ушбу сонида Нормурод Норқобиловнинг «Белбоғ» ва Светлана Василенконинг «Жарангдор ism» қиссаларининг давомини ўқийсиз.

Салим Ашур «Сўз ҳарорати» мақоласида Азим Суюннинг «Эй дўст» китобига муносабат билдирган бўлса, Адиба Умировнинг «Китоб тафти» мақоласи Сирожиддин Саййиднинг «Кўксимдаги зангорларим» тўплами таҳлилига бағишланган.

«Ўтамиш ҳожи тарихи», Машраб ҳаёти ва ижодига доир янги мулоҳазалар, Ориф Тўхташнинг ҳазил шеърлари ҳам «Ёшлик»нинг ушбу сонида эълон қилинган.

Ҳусниддин ШАРИПОВ

БАХТ ЭРУР...

Кўз очиб, олам чиройин қалбга чеккан лаҳзадан
Бир ширин куй лабларимда: — Жон ватан,
жоним ватан!

Бахт эрур севмоқ ватанни, чин муҳаббат бўлса бас,
Кимга киргай жон билан у, кимга келгай дафъатан.

Барқ уриб ўтгай замонлар, аста дарёлар ўтар,
Кетмагай беиз ва лекин сенга меҳрин боғлаган.

Кўзга сургайман отам юрган у йўллар гардини,
Мен учун жаннатга монанд волидам ўсган чаман.

Гул бўлиб кафтингда унгай бахту иқболим менинг,
Дилда орзу, қайга борсанг, сен билан бормоқдаман.

Кулбамизга пойдевор сен, бошимизга соябон,
Бир умр шоирга ёр сен, то абад толибга фан.

Кун келар, ишқ аҳли етгай дард чекиб маҳбубига,
Бунда бўлмас Ёсуманлар, бунда бўлмас Аҳраман.

Куйла Ҳусниддин билан, созим, ватаннинг васфини,
Жўр бўлур ўзбек аталган энг чиройли анжуман.

САТРЛАР АРО...

Устоз Миртемирга

Гулдор календарнинг саҳифаларин
Япроқдай чирт узиб, тўзитар еллар.
Учинчи минг йиллар эшиги сари
Яна битта қадам ташлайди эллар.

Ёшлар бўйини чўзиб, деворни чизиб,
«Ким тез ўсар»га бошлайди ўйин.
Қош узра энибди яна бир чизиқ,
Йиллар шу белги-ла ўлчайди бўйин.

Элликдан ўтганда умр карвони
Кўзинг ўтмаслашар бегумон, дерлар.
Тонггача қилса-да булбуллар хониш,
Дилингда уйғонмас ҳаяжон, дерлар.

Қировда туғилган бу совуқ сўзлар
Нега келтирмасин шеърхон ғашини.
Ахир сеза олмас зиёсиз кўзлар
Хушбуй тол куртагин хансирашини!

Ўлкам боғларини куйлар экансиз,
Тилимда қолади узум мазаси.
Сатрлар оралаб оқади нафис
Юксак тоғ мовий кўл, дарё нафаси.

Гоҳ қушлар саҳарда бошлар экан тўй,
Гоҳ сокин, мусаффо оқшом чоғида,
Адирдан ютоқиб қайтган чўпондай,
Чанқоқ қондираман шеър булоғида.

Илк севги номасин ёзган ўспирин
Сизнинг куйингиздан сўрайди ёрдам.
Ялаб ўтган бўлса кузги изғирин,
Қисса айтмасди қалб вафодан, ёрдан.

Оппоқ акация гули безатиб,
Кумушдай жилодор бўлган эса бош,
«Ўзимнинг куйчим» деб қилгандир ҳазил
Қариб қуюлмаган табиат — наққош.

ДАВЛАТИ ҚАЛБИМДАДИР

Не учун дунёга келдим, нега кетмоғим керак,
Аввало тақдир буюрган ерга етмоғим керак.

Билмадим, гулзормикин ул ёки чангалзормикин,
Бўлса ҳам янтоқ, авайлаб, лола этмоғим керак.

Кимни офтоб этса эъзоз, кимни этгай жизғанак,
Сенга осмон эрса орзу, менга тупроғим керак.

Ташналар мевамни ўйлаб, розиман, тош отсалар,
Сояпарварларга балким тоза япроғим керак.

Ойжамол, Зуҳроси бирлан бўлса Тоҳир бахтиёр,
Ўзга нозиктаъбга, дўстлар, эҳтимол Моҳим керак.

Тоқ бўлиб ёш тўкмагайман ҳар баҳор тиғ тегса ҳам,
Элга ардоғим керакдир, кимга ҳам доғим керак.

Мен ғарибмасман, шарифман, давлатим қалбимдадир,
Не учун жонимни тутмай, бўлса урвоғим керак.

Дейдилар, ҳуснинг керакдир тўй-томошо чоғида,
Мен бўлай ўлгунча ошиқ, ишқ-вафо доим керак.

БУ ҲАЁТ...

Бизга бир бўлгай мукофот бу ҳаёт,
Барча орзудан улуғ орзу — ҳаёт!

Мулки борлиқ ичра қолмас зарра доғ,
Тонгсу оқшом сочса гар ёғду ҳаёт.

Қоқ қанотинг, еру осмон бағри кенг,
Юрмасин бир йўлда фарёду ҳаёт.

Шу сабаб ҳар лаҳза томсин бол бўлиб,
Кимга ҳам даркор эрур оғу ҳаёт?!

Толмагай асло яшашдан бу юрак,
Бул юракни этса гар жоду ҳаёт.

Келса кўргим янги асрим ҳуснини,
Ноумид этмасмикин, ёҳу, ҳаёт?

Яхшилар бирлан тирикдир пок жаҳон,
Хайриятки, яхшилик мангу ҳаёт.

КЎЗГУ

Рафиқам Раҳбархонга

Ўтиб бормоқда ой-йиллар, вафолим йилма-йил гўзал,
Асилки, зангламас олтин, хазон кўрмас асил гўзал.

Ҳаёт тўйхонадир гўё, биров куйлар, биров тинглар,
Қувонмоқ-чун ақл шарттмас, қувонтирган ақл гўзал.

Гаҳи дарё эрур олам, гаҳи дунё тегирмондир,
Фасллар баҳсига боқмай, табиат муттасил гўзал.

Куяр ўз ўтида офтоб, қилиб кул зебу пардозин,
Табиий эрса гар чеҳранг, этар ҳатто жаҳл гўзал.

Ҳилолин айласанг эъзоз, йўлинг равшан этар сўнг ой,
Кўмирдан беғубор олмос туғилгай, бўлса дил гўзал.

Ҳали бу йўлда кўп гуллар узарсан, қўлни банд этма,
Керакмас ўзга ҳеч давлат умр ўтгач адл, гўзал.

Саҳийсанки, дуо айлаб борурсан еру кўк ҳуснин,
Кўриб ол, мен тутай кўзгу: ўзингсан беҳазил гўзал.

КЎНГИЛ МУЛКИГА САЁҲАТ

Яқинда Жанубий Корея республикасида Осиё маданияти ва адабиёти алоқалари маркази очилишига бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Ана шу анжуманда ўзбек адибларининг вакили сифатида шоир Азим Суюн иштирок этди. Биз шоирдан Осиё мамлакатлари маданий ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланган ушбу анжуман ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.

— Азим ака, Жанубий Корея мамлакатидан қандай таассуротлар билан қайтдингиз?

— Анжуманни ташкил этган юрт мени ўз гўзаллиги билан мафтун этди. Албатта, ҳар бир юртнинг ўз таровати бор. Айниқса, уни ўз кўзинг билан кўрганингда янада яхшироқ англайсан. Одамлари билан суҳбатлашганингда эса, чуқурроқ ҳис этасан. Маълумки, Жанубий Корея бутун Осиёдаги, нафақат Осиёдаги, балки дунёдаги энг қудратли давлатлардан биридир. У бежиз Осиё йўлбарси дея аталмайди. Бу мамлакатнинг маданияти, адабиёти ҳам бағоят қадимийдир. Илк Корея адабиёти зулли сонайн адабиёт бўлиб, ханмун (хитой ёзувининг кореялаштирилган шакли) адабий тилида ҳамда корея миллий тилида асарлар битилган. Шарқий Осиёнинг барча мамлакатларидагидек Кореяда ҳам энг қадимий адабий тур шеърият саналади. Корея шеъриятининг ўзига хос жанрлари мавжуд. Улар хянга, сиджо ва каса достонлари деб аталади. Хянга — корея шеъриятининг тамал тошларидан бўлган жанр. «Хянга» сўзи она ватан қўшиқлари деган маънони билдиради. Илк хянгалар тўрт мисра бўлган, сўнгра у ўн мисра қилиб ёзилган. Сиджо эса уч сатрли шеърий шаклдир. Корея шеърияти ривожига қадимий Хитой шеърияти жуда катта таъсир кўрсатган. Шу ўринда қизиқ кузатувларимдан бирини айтмасдан иложим йўқ. 1956 йилда Москвада чоп этилган «Хитой мумтоз шеърияти» («Китайская классическая поэзия») китобини мутолаа қилганимда Тан даври (618-907) шоирлари ёзган шеърлар Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғотит турк» асарида келтирилган қадимги туркий қўшиқларга ўхшашлигини сездим. Демак, адабий алоқалар, ижодий ҳамкорликлар қадим замонларда ҳам мустаҳкам бўлган экан.

Корея ёзуви кашфиётчиларидан бири, улкан олим Сон Саммун ҳукмдор Саджонинг буйруғига биноан қатл этилишидан аввал шундай шеър ёзган экан.

Дединг: «Ўлганингдан сўнг
Не бўлардинг, ҳолинг вой?!.»
Дедим: «Пэнлай чўққисида
Бўларман чўнг қарағай.
Дунё қорга кўмилиб,
Музлаб қолган чоғда ҳам,
Ёлғиз ўзим ям-яшил
Яшнаб турарман бардам».

Қадимий хитой донишманди Конфуций фалсафасидаги инсоннинг иродаси, мардлиги ва халққа, табиатга садоқати ҳақида ҳикматлар кореялик шоирларни ҳам ижодий руҳлантирган. Қарағай тимсоли ўз принципларига садоқатли, мард инсонларни ифодалайди.

Жаҳон адабиётининг энг қадимий мавзуларидан бири — муҳаббат корея шеъриятида ҳам кўп ва хўб тараннум этилган. Бу борада кореялик шоиралар ўрни беқиёс. Уларнинг Сапфо, Зебуннисо, Нодира каби машҳур шоиралари бор. Хван Джини (1506-1544) номини кореялик ҳар бир шеърхон ғурур билан тилга олади. Бу шоиранинг ҳаёти ва шеърлари мамлакатда афсона бўлиб кетган.

Тоғдан тушаётган
Шарқироқ ирмоқ!
Шитоб оқурман деб
гердайма зинҳор!
Сенга қисмат эрур
уммонга кирмоқ,
Қайтолмассан баланд
тоғларга такрор.
Тоғларни нурафшон
этди Тўлин ой,
Сени ром айламас наҳот
бу чирой?

Хван Джинининг мазкур шеърида сўз ўйини мавжуд. «Тўлин ой» истиорасида шоиранинг бадиий номи яширинган. «Шарқироқ ирмоқ» эса, Хван Джинини севиб қолиб, ўзининг аёлларга нисбатан нафратидан воз кечган йигит тимсолидир.

— Жанубий Кореяда бўлиб ўтган халқаро адабий анжуманнинг кун тартиби, мақсад ва вазифалари нимадан иборат эди?

— Жанубий Кореяга бутун Осиё мамлакатлари ижодкорлари, шунингдек, Америка, Европа маданият арбоблари ташриф буюрди. Монголия, Ветнам, Филлипин, Фалластин, Ливан, Туркия, Хитой, Япония мамлакатлари шоирлари анжуманда ўз асарлари билан қатнашди.

Форумнинг биринчи куни — дўстлашув кечаси «Тоғ меҳмонхонаси» («Генгпарк»)нинг улкан залида ҳашаматли дастурхон атрофида бошланди. Жанубий Корея маданият ва туризм ишлари вазирлигига қарашли Кванжу маданият ва туризм бошқармаси президенти Сон Ку Сук нутқ сўзлади. У анжуман мақсадлари ҳақида ахборот берди. Унинг таъкидлашича, Осиё маданияти ва адабиёти алоқалари маркази аталмиш бу форумнинг мақсади бутун Осиё мамлакатлари ижодкорларини бирлаштириш, дўстлаштириш, борди-келдиларини кучайтириш экан. «Чунки, — деди у ўз нутқида, — маданий-адабий алоқалар реал кучга кирмас экан — адабиёт, маданият, санъат аҳли — зиёлилар иттифоқлик қилмас экан, кўпгина алоқаларимиз сохта бўлиб қолаверади. Бугунги техник тараққиёт маданий тараққиёт билан уйғун равишда ривожланмоғи, керак бўлса, бир қадам олдин юрмоғи зарурият дир».

Шахсан мен ушбу кечанинг ўзидаёқ Ю Бан (Ветнам), Кҳаидав Чилаатав (Мўғулистон Ёзувчилар уюшмаси раиси), Ким Нам Ил (Жанубий Корея республикаси Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби), Крис Ланот Лакаба (филиппинлик шоир), Пирев Намбар (мўғул қўшиқчи шоири), Риза Кирас (туркиялик олим), Яшин Эрол Сўнмаз (туркиялик шоир), Адания Шиблий (фаластинлик адиба), Алания Субҳ (ливанлик адиба), Батаар Галсансукҳ (мўғулистонлик шоир) ва бошқалар билан танишишга улгурдим. Уларнинг Марказий Осиё давлатларига, айниқса, Ўзбекистонга қизиқиши катта. Мен уларга Марказий Осиёдаги янги давлатлар, табиийки, ўз юртим ҳақида мароқ билан сўзлаб бердим.

Форумнинг иккинчи куни Кванжи шаҳрининг улкан очиқ майдонида Осиё мамлакатлари маданияти ва адабиёти алоқалари марказини очилишига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Даставвал Кванжу шаҳри губернатори Пак Кван Тэ ўз нутқи билан анжуманни очди.

Жанубий Корея республикаси маданият ва туризм ишлари вазири Жён Донг Че анжуманнинг муваффақиятли ўтишига бош-қош бўлди.

8 декабр куни Чосан университетида адабий кечалар бошланди. Шоирлар тўрт гуруҳга бўлиниб, бирин-кетин миллий адабиётлар ҳақида суҳбатлар қуришди. Сўнгра катта мушоира бўлди. Анжуманда иштирок этаётган барча шоирлар шеър ўқиди. Мен «Аёл» ва «Қодир овчининг ўлими» шеърларини ўқидим. Шеърларимнинг сўзма-сўз таржимаси корейс тилида эшиттирилди. «Эй дўст» китобидан алоҳида қайирмаларни Чосан университети профессори, машҳур шоир Ким Жун Тай инглиз тилида ўқиди.



— Осиё мамлакатларидан келган шоирлардан анча дўст орттирибсиз. Уларнинг китобларини ҳам олиб келдингизми? Ўзбек шеърларини ўзбек тилига таржима қилиш ниятингиз бордир?

— Ҳа, албатта, биз бир-биримизга ўз китобларимизни тухфа этдик.

Мен ҳам ўзимни ҳайратлантирган шоирлар шеърларини ўзбек тилига ўгирмоқчиман. Келажакда ижодий ҳамкорлигимиз албатта ривожланиб боради. Жанубий Кореядаги учрашувларимизни биз ҳали узоқ вақт эслаб юрамиз.

Шу ўринда бир гапни айтмасам бўлмас. Анжуман иштирокчиларининг таржимаи ҳоллари, шеърлари, асарлари корейс ва инглиз тилларида алоҳида тўплам ҳолида нашр этилгани барчамизни бағоят севинтирди. «Осиё» деб номланган бу китоб бутун Осиё мамлакатларига тарқатилди. Миллатимиздан қатъи назар биз ўз шеърларимиз билан бир-биримизнинг кўнглимизга кириб бордик.

Суҳбатдош: Гавҳар БЕРДИАЛИЕВА

Фарҳод МУСАЖОН

САБОҚ





Бир маромда кечадиган ҳаёт зерикарли, тунд бўлади. Янги йил арафасида ана шу мудроқ ҳаёт бир мунча ўзгаради, жонланади, дилларда янги орзу-умидлар жўш уради. Ҳар хил ташвишлар пайдо бўлади, чунончи янги йилни қаерда, кимлар билан кутиш, қандай таомлар тайёрлаш, кимларга қандай совғалар қилиш...

Очил ака ишлайдиган муассаса кичкинагина, атиги олти нафардан иборат: бошлиқ, котиба ва тўрт ходим. Ҳаммалари турли феъл-атворли бўлишларига қарамай жуда иноқ, аҳиллар. Янги йилни ҳам ҳамиша бирга кутишади.

Эски йил тугашига яқин Очил ака ҳамкасбларини йиғиб маслаҳат солди.

— Оғайнилар, кун айланиб, ой тўғиб янги йил ҳам яқинлашиб қолди, тайёргарлик кўришни бошлайлик, неча пулдан йиғамиз, келишиб олсак, — деди бижилдоқ, маҳмадона Хуррамов.

— Таксир, сиз жўравошимизсиз, ўзингиз кетадиган харажатни ҳисоб-китобини қилиб, фалончадан тушади денг, бизлар кўнаверамиз.

— Унда яна битта гап, — давом этди Очил ака, — агар қарши бўлмасанглар, янги бошлиқни ҳам таклиф этсак, ёмон одамга ўхшамайди, анча камтарин, соддагина экан. Келганига бир ойдан ошди, қачонгача бегона тутиб ёлғизлаб қўямиз, сафимизга қўшайлик.

— Майли, қўшайлик, — ҳаммадан олдин яна Хуррамов жўравошининг гапини маъқуллади.

— Бўпти, — деди Очил ака, — унда мен харажатни хомчўт қилиб чиқаман. Кейин яна бир йиғиламиз. Дарвоқе, бу гал қаерда кутамиз, навбат кимники эди?

— Навбат Забихиллоники, — яна Хуррамов сўзамоллик қилди, — шунақами. Навбат сизники-а, Забихилло?

— Ҳа, меники — деди шу пайтгача гапга аралашмай ўтирган Забихилло хокисор илжайиб, — аммо...

— Нима аммо? — сўради Очил ака.

Забихилло гапиришдан олдин ҳамкасбларига хижолатомуз боқди. У бировга ёмонликни раво кўрмайдиган беозор, мулойим кимса эди. Шунча йил бирга ишлаб ҳали бирорта одам билан айтишмаган, ғалва чиқармаганди. Бир айби лаганбардор эди. Ҳамкасблари унинг хушомадгўйлигини яхши билишар, аммо хафа бўлишмас, юзига ҳам солишмасди.

— Янги йилни кутиш ҳақида гап очганингиз яхши бўлди, Очил ака, — Забихилло ийманиб давом этди, — ўзим қўзғамоқчи бўлиб тургандим шу гапни. Мени маъзур тутасизлар, кутилмаганда бир ишкал чиқиб қолди. Бу йилчалик анъанамиз бузиладиганга ўхшайди.

— Чайналмасдан, дардингизни айтаверинг, — шарт кесди гапни Забихиллонинг сал қувлигини биладиган Очил ака.

— Дардимни айтадиган бўлсам, уч кун бурун паркентлик божам келиб янги йилни бирга кутгани уйига таклиф этиб кетди, мужмаллик қилиб, аниқ жавоб бермагандим, божам кетганидан кейин хотиндан балога қолдим. Нега тихирлик қиласиз, ишхонангиздагилар билан ҳар йили биргасиз, бир галчалик янги йилни менинг қариндошларим билан кутсангиз, осмон узилиб ерга тушмайди, дея жаврай кетди.

Одатда ёлғончи ёки айби бор одам ёлғонни яшириш, ўзини оқлаш учун гапни чўзади. Забихилло ҳам эзманди. — Хотинни авраб ёки пўписа қилиб жағини ёпишим мумкин эди, аммо масаланинг бошқа нозик томони — божам бошқа кун қуриб қолгандек айнан ўттиз биринчи декабрда туғилган. Бу йил юбилейи — элликка тўлади. Шундай пайтда йўқлаб бормаслик уят. Қолаверса, совғадан қочди деб ўйлаши мумкин.

— Нима ҳам дердик, асосли важингиз бор экан, божангизнинг олдида юзингиз шувут бўлмасин, — деди майда гапни, ялинчоқликни ёқтирмайдиган Очил ака, — ўзимиз кутаверамиз.

— Ҳа, бир галчалик шунақа бўлиб қолди. Худо хоҳласа, янаги йилга яна бирга кутаверамиз, — деди Забихилло енгил тортиб.

Масала осон ҳал бўлганди. Энди Забихилло ўйлаган режасини бемалол амалга ошириши мумкин. Кечга томон ҳамкасбларининг кўзини шамғалат қилиб, секин бошлиқнинг ҳузурига кирди. Таъзим тавозеъни ўрнига қўйиб илтижо қилди.

— Раббим Қудратович, айбга буюрмайсиз, мен бир масала бўйича киргандим.

— Ўтиринг, — бошлиқ Забихиллони илиқ кутиб олди, — эшитаман, қандай масала экан?

— Гап шундаки... — Забихилло эшилиб ялтоқланди, — мен нозик масала юзасидан, тўғрироғи илтимос билан киргандим.

Ҳар қандай бошлиқ янги келган кезлари ходимларнинг ишончини, ҳурматини қозонишга, ўзини одил ва доно кўрсатишга ҳаракат қилади.

— Бемалол гапираверинг, Забихилло Халимович. Қўлдан келса ҳар қандай илтимосни бажарамиз. Ҳали яхши синашда бўлмасак-да, сиз ҳақингизда маълум тасаввурга эгаман. Тайёрлаган ойлик ҳисоботингизни кўриб чиқдим, ишингиз пухта, мукаммал. Биз сизга ўхшаган малакали мутахассисларга суянишимиз лозим.

— Минг раҳмат, Раббим Қудратович, — бу мақтовдан Забихилло талтайиб кетди, — ҳали яхши синашда эмасмиз деб жуда тўғри айтдингиз. Бизнинг мақсад ҳам айнан шу, яқинроқ синашда бўлиш. Ишхонада муносабатлар барибир расмий бўлади. Шунинг учун анчадан бери сизни уйга таклиф қилишни ният қилиб қўйгандим. Аммо ҳали у, ҳали бу сабаб бўлиб, қолаверса, ҳаддим сиғмай орқага суриб юргандим. Ният холис экан, қарасам янги йил яқинлашиб қолибди. Шу баҳона ҳузурингизга киришга журъат этдим. Агар ҳеч кимга ваъда бериб қўймаган бўлсангиз, янги йил оқшомида кулбамизга ташриф буюрсангиз дегандим.

Келганига ҳали ҳеч қанча бўлмасидан шундай илтифотга сазовор бўлгани бошлиқнинг кўнглини кўтарди.

— Ҳурмат учун раҳмат, Забихилло Ҳалимович, насиб қилган бўлса ўтамиз.

Бошлиқдан кўра ҳам Забихилло кўпроқ суюниб кетди.

— Раҳмат, Раббим Қудратович, сўзимизни ерда қолдирмай, бизни назарга илиб рози бўлганингиздан бошимиз кўкка етди. Демак, гап шу — янги йил оқшомида кутамиз. Мана бу адрес, — Забихилло бошлиғига таклифнома тутқазади.

— Топиш осон, уйимиз «Турон» меҳмонхонасининг шундоққина ёнида.

— Топамиз бир амаллаб, — деди бошлиқ мулойим жилмайиб.

Забихилло бошлиқ билан хайрлашар экан димоғи чоғ бўлиб ўйлади: иш пишди, энди тайёргарликка зўр бериш, зиёфатни дўндириш керак.

Орадан бир кун ўтиб бошлиқнинг ҳузурига Очил ака кирди. У ортиқча мулозаматсиз муддаони айтиб қўя қолди.

— Раббим Қудратович, янги йилни ҳамма хизматчилар бирга кутиш бизда расм бўлиб қолган. Фақат ҳисобчи Кўпайсинова бола-чақаси кўп бўлгани учун уйида кутади. Котибангиз Лайлохон ҳам қўшилмайди, ёш нарса, ўз тенгқурлари бор. Олдинги раҳбаримиз ҳам доим биз билан кутарди. Бу йил ҳам шу анъанани давом эттирсак деган ниятдамиз. Ҳаммамизнинг номимиздан сизни янги йилни бирга кутишга таклиф қилгани кирдим.

Бошлиқ ажабланиб, андак фурсат ҳодимига тикилиб қолди. Буни Очил ака ўзича талқин этди.

— Балки бирор жойга ваъда бериб қўйгандирсиз ёки йилни уйда кутишга одатланмагандирсиз... Шундай бўлса, хафа бўлиш йўқ, — Очил ака лаганбардорликни билмасди, дангал гап қилди. — Биздан таклиф, сиздан хоҳишга қараб иш тутиш.

Янги йилни ҳикояси

— Аввало, таклиф учун раҳмат, — бошлиқ ҳам ортиқ чайналмай гапнинг индаллосини айта қолди, — ўзимнинг ҳам ходимлар билан яқинроқ танишиш ниятим бор эди, аммо кеча Забихилло Халимович кириб уйига таклиф этди, янги йилни бирга кутгани.

Ҳамкасбидан бундай найрангни кутмаган Очил ака қулоқларига ишонмай анграйиб қолди. Аранг ўзига келиб ғулдуради:

— Йўғ-е, ростданми?

— Нима, сизнинг хабарингиз йўқми? — саволни савол билан қарши олди бошлиқ — ахир янги йилни доим бирга кутамиз дедингиз-ку.

Очил ака Забихиллодан фарқли ўлароқ сотқинлик қилмади.

— Албатта айтади бизга, фақат... олдин сизнинг розилигингизни олмоқчи бўлгандир. Майли, узр.

Очил ака ҳамкасбининг қилмишидан ичи алғов-далғов бўлиб ўз хонасига қайтди. Забихиллонинг тепасига яқинлашдида, масхараомуз тиржайиб кўзига тикилди. Забихилло бу пармаловчи назарга дош беролмай безовталанди.

— Ҳа, намунча тикилиб қолдингиз?

— Мабодо, ёрдам керак эмасми?

— Қандай ёрдам? — Забихилло ҳайрон бўлди.

— Божангизнинг туғилган кунига нима совға қилишни билмай қийналмаяпсизми? Ҳали бир тўхтамга келмаган бўлсангиз, ёрдамлашиб юборайлик, — деди Очил ака истеҳзомуз. — Ахир ҳамиша бир-биримизга кўмаклашиб келган садоқатли инсонлармиз.

Бу тагдор гаплар Забихиллонинг уёғ-буёғидан ўтиб кетган бўлса-да, сир бой бермади.

— Раҳмат илтифотлари учун, хотин мушкулимизни осон қилди, тўн совға қиладиган бўлдик.

Очил ака ғалати илжайиб ўз жойига бориб ўтирди. Кечга томон Хуррамов билан Бобосалмоновни холи жойга бошлаб бор гапни тўкиб солди. Забихиллонинг писмиқона қилмиши ҳамкасбларига ёмон таъсир қилди.

— Вой хушомадгўй-ей! Ялтоқланиб эски бошлиқнинг пинжига кириб олганди, энди бунисини ҳам ялаб-юлқашни бошлабди-да, — деди Хуррамов. — Шумлик қилгани учун биз ҳам уни боплаб тузлаймиз.

Ҳамкасблар Забихиллонинг таъзирини беришга тил бириктирдилар, аммо сир бой бермай юравердилар.

Ҳадемай янги йил оқшоми ҳам етиб келди. Забихилло зиёфатни ўрнига қўярди, бу гал ҳам бозордан қази-қартадан тортиб хўл мевангинг энг сарҳилини харид қилди. Ўз қўли билан турли таомлар тайёрлади. Кечга томон ҳамма нарсани тахт қилиб қўйди. Анча уриниб чарчаганди, бироз нафас ростлагани диванга ўтирди. Хотинига чой буюриб, пар болишга ёнбошлади. Бир пиёла чой ичганини билади эшик қўнғироғи жиринглаб қолди.

Забихилло дик этиб ўрнидан турди, бошлиқ келиб қолган бўлса-я деган хаёлда эшикни очди-ю, остонада хотини билан турган Очил акани кўриб, тили калимага келмай, тахтадек қотиб қолди.

— Ҳа, тақсир, уйингизга келган меҳмонни ичкарига таклиф қилишни ҳам унутдингизми? — сўради Очил ака чапаничасига.

— Келинглар, яхшимисизлар? — аранг гапирди Забихилло.

— Хотиним билан божамникига кетаётгандик, эшигингизни босиб ўтолмадик, бирровга бўлса ҳам кириб, янги йил билан сизни табриклаб кетайлик дедик, — Очил ака жилмайиб сўзлади.

— Ажаб қилибсизлар, — Забихилло ҳам ўлганининг кунидан ишшайди, — қани ичкарига.

Ошхонадан Забихиллонинг хотини Рисолатхон чиқиб меҳмонлар билан қуюқ сўрашди.

— Келганингиз айни муддао бўлди, Рихсихон, биласиз хасип солиш майда иш, ёрдамлашиб юборасиз, — деди ва меҳмонни ошхонага бошлади.

Эркаклар меҳмонхонага кирдилар. Очил ака катта стол устидаги ясатилган дастурхонни кўриб ҳайратланди.

— Ана буни дастурхон безаш деса бўлади. Одамнинг жонидан ғайра ҳамма нарса муҳайё! Энг азиз, энг нозик меҳмонларни кутиб олишга арзирли дастурхон ясатибсиз, қойилман, боплабсиз!

— Йўғ-е, жуда баҳойимизни оширвордингиз, — ғулдиради Забихилло.

— Дарвоқе, божангизникига бормоқчи эдингиз?

— Энди йўлга отланмоқчи бўлиб тургандик, — деди Забихилло минғиллаб.

— Кетадиган одам нечун шунчалик тўкин дастурхон безамасангиз, — Очил аканинг ҳар битта гапи илмоқли эди.

— Нима десам экан, — Забихилло дудуқланиб баҳона тўқиди, — дастурхон ясатиғлик турса, хосияти яхши бўлади, йил бўйи хонадонда тўкинчилик, қут-барака бўлади. Қолаверса, янги йил билан табриклагани сизга ўхшаган ёру биродарлар, қариндошуруғ, қўни-қўшни кириб қолиши мумкин, бирровга бўлса ҳам, — Забихилло «бирровга бўлса ҳам»га атай урғу бериб гапирди.

— Келин хасип солаяпман деди, у ҳам бирровга кириб кетадиганларгами? — яна ниш санчди Очил ака.

Давоми олтинчи бетда.

Дил изҳори

МЕНИНГ МАКТАБИМ

Суратда: А.ЖЎРАЕВ ва бастакор Анор НАЗАРОВ

Санъат журналистикасида ижод қилиш анча мураккаб ва ниҳоятда нозик соҳа эканлигини адабиёт газетасида иш бошлаган кунларимдаёқ тушунганман. Бу мен учун мутлақо янги соҳа эди. Шу боис, бўш пайтларимда, дам олиш кунлари кутубхоналарда ўтириб, санъатнинг тур ва жанрларини ўрганишга жиддий киришдим. Уч-тўрт ой ўтиб, санъат ҳақидаги тасаввурларим бироз бойиб, театр, кино, тасвирий санъат, мусиқа нималигини бир қадар англаб етгач, мақола ва суҳбатларга қўл ура бошладим. Охир-оқибат санъатнинг сеҳрли дунёсига бир умр боғланиб қолдим. Ҳали-ҳануз бу жозибали ва мафтункор оламнинг шайдосиман...

Собиқ шўро даврининг «қайта қуриш» ва «ошкоралик» деб аталган даврларида газета ҳақиқий халқ минбарига айланган эди. Буни газета тиражининг саккиз юз эллик мингдан ошиб кетганлигидан ҳам билиш мумкин. Шунингдек, газетада эълон қилинган ҳар бир танқидий мақола ёки давра суҳбати ижодий уюшмаларда қизғин муҳокама қилинарди.

Ҳар гал режалаштиришдан сўнг, албатта, бош муҳарririмиз Одил ака сўрарди: «Қани, бу режалаштирган нарсаларни яна бир бор кўриб чиқайликчи, қайси бири ўқилади, қайси бири газетхон эсида қолади?»

Шундан сўнг режалаштирилган материаллар қайтадан жиддий кўриб чиқиларди. Айримларининг ўрни алмаштириларди. Шу боис ҳам таҳририят ходимлари доимо долзарб мавзу излардик ва ўша мавзуни таҳлилий ёритишга интилардик. Масалан, ўша йилларда эълон қилинган устоз Неъмат Аминов ва Саддриддин Салимов «Бухорони қутқаринг!» мақоласида қадим Бухоронинг нураб бораётган маданий ёдгорликларини асраб қолиш ҳақида бонг уришган эди. Яна бир устозимиз Озод Шарафиддиновнинг таниқли композитор Мутаваккил Бурхонов билан қилган суҳбатида Фитрат ва Чўлпон ҳаётининг энг оғир ва қора кунлари тўғрисида ўткир мулоҳазалар айтилган эди. Шунингдек, драматург Машраб Бобоевнинг «Айб фақат театрдами?», шоир Сафар Барноевнинг «Қанотсиз қўшиқлар», мусиқашунос Жасур Расултоевнинг «Соқов созлар», спортчи олим Жўракул Турсуновнинг «Миллий курашга қачон эътибор берилади?» мақолалари ва кино, театр, қўшиқчилик санъати муаммоларига бағишланган давра суҳбатлари мунтазам газета саҳифаларига дадиллик билан олиб чиқилган. Каминанинг миллий кино ҳақидаги «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» номли мақолам кимончилар уйида икки кун муҳокама қилинган. Айниқса, телекўрсатувларга бағишланган жиддий ва танқидий мақолалар анчагина баҳс-мунозараларга сабаб бўлган.

Шунингдек, ҳар ҳафта бериб борилган «Телеанкета» телевидение фаолиятини яхшилашда ва қизиқарли кўрсатувлар тайёрлашда яхши самаралар берган. Хуллас, газетанинг деярли барча чиқишлари беиз кетмаган. Назаримда, миллат дардини, миллий қадриятларни, маънавий камолот йўлидаги интилишларини ҳеч бир матбуот нашри «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»чалик кўп ва хўп айтмаган.

Газетанинг санъат бўлимида ўн икки йил мудир бўлиб ишладим. Ушбу бўлимда таниқли журналистлар Гулчеҳра Умарова, Рашид Раупов билан узоқ йиллар аҳил бўлиб ижод қилдик. Бу қутлуғ даргоҳда устоз — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов, Иброҳим Ғафуров, Аҳмаджон Мелибоев, Маматқул Ҳазраткуловдек забардаст ижодкорлар билан ишлаганимдан ва улардан кўпгина ижод сирларини ўрганганимдан ҳамиша фахрланаман. Бу ўрганганларим бугунги иш фаолиятимда жуда қўл келяпти. Бир сўз билан айтганда, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» мен учун ҳақиқий ижод мактаби бўлди. Мамнуният билан айтиш мумкинки, бу мактабнинг анъаналари бугун ҳам янги тўлқинларда давом этаётир. Лекин санъат журналистикасида янги номларнинг кўринмаётганлиги кишини ташвишга солади. Ижодкор санъатшунос, театршунос, киношуносларнинг номлари ҳам газетада кўзга кам ташланади. Жонкуяр ва ўз соҳасининг фидойи муаллифлари газета атрофида бирлашишларини истардик. Санъат муаммоларини газета саҳифаларига дадил олиб чиқиш фурсати етди.

Севимли газетам 50 ёшга тўлибди. Бу ҳали олдинда кутилаётган қутлуғ ёшлар сари қўйилган дадил қадам. Ҳали олдинда катта тўйлар бор. Эллик йил ичида гоҳ тўлишиб, гоҳ озиб, гоҳ довруқ ёйиб ва бугун яна юксак орзулар билан қанот қоқаётганингга бағишланган жиддий ва танқидий мақолалар анчагина баҳс-мунозараларга сабаб бўлган.

Менинг жонажон газетам, сен билан тенгдошлигимдан яна бир бор фахрланаман. Ҳаётимнинг энг қайноқ, жўшқин, ёрқин даврлари, ўчмас саҳифалари сен билан чамбарчас боғлиқлигидан умрбод миннатдорман.

Агар бирор-бир нашрга ҳайкал қўйиш лозим топилса, мен ҳеч иккиланмасдан, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасини тавсия қилган бўлардим. Илоё, сенинг умринг ҳам саксон бешга яқинлашаётган «Муштум»дай узоқ бўлсин!

Ашурали ЖЎРАЕВ,
«Муштум» журнали
бош муҳарририи

ДЕНГИЗ ТЎЛҚИНЛАРИ

Мустафо Бафоевни янги симфония яратишга илҳомлантиради

Ҳар бир мусиқа ҳаётнинг бир жумбоғи каби, маънолар замирида садоланади. Биз мусиқанинг оҳанги ва характерига қараб завқ оламиз ёки таъсирланамиз. Мусиқий чолғулар жуда кўп, Симфоник оркестр имкониятининг юқорилиги эса мусиқа мутахассислари ва ихлосмандларига яхши маълум. Зеро, симфоник оркестр табиатда мавжуд бўлган барча оҳангларни тараннум эта олишга қодирдир.

Диёримизда бир неча йиллардан буён Халқаро симфоник мусиқа фестивалини ўтказиш анъанага айланди. Навбатдаги IV фестивалда композитор Мустафо Бафоев асарини янги жаҳон кўламида намойиш этишга муваффақ бўлди.

Мустафо Бафоев ўз ижоди билан танилган, опера, симфония, кантата, оратория каби йирик мусиқий асарлар ранг-баранг чолғуларнинг таъбига мос ўлмас наволар, хилма-хил романс-қўшиқлар яратган забардаст композитордир. Унинг ҳар бир асари муайян ғояга асосланган ҳолда, маълум воқелик билан боғлиқ мазмун касб этади. «Умар Ҳайём» операсими, «Узилган торлар» мусиқали драмасими, «Ҳажнома» ораториясими, рубоб ва халқ чолғулари учун яратган концертими ёки оддий романсми, барча-барчасида ана шу хусусиятлар яққол намоёнлигини кўрамиз.

Гобой ва симфоник оркестр учун ёзилган «Ўрта ер денгизи тўлқинлари» асари ижодкорнинг Анталия диёридан олган таассуротлари самарасидир. Ўз табиати, иқлими ҳамда чиройи билан дунёнинг энг гўзал гўшаларидан ҳисобланган ушбу ўлканинг мавжланиб турувчи денгизи композитор наздида мусиқий оҳанглар орқали жилоланади.

Бу асар композитор М.Бафоев ижодининг мухлисларидан бири, туркиялик созанда Байрам Байрамўғилларининг ҳамкорлик ҳақидаги таклифи асосида туғилди. Бу асар симфоник мусиқа фестивалининг премераларидан бир сифатида анжуман саҳифаларини байрамона кайфият билан бойитди. Асарнинг гобой ва симфоник оркестр учун яратилишининг сабаби ҳам шунда.

Асар уч қисмли бўлиб, бир-бирини бойитувчи уч мавзу навбатма-навбат келади. Бошланишданоқ сеҳрли наволар тингловчини Ўрта ер денгизи тўлқинларини эслатувчи оҳанглар оғушига олади. Мавзунинг ўзида тўлқин образи мужассам бўлса, оркестр фонида денгиз ҳавоси, иқлими ва манзарасига товушлар гўзал ҳамда шунга мутаносиб тарзда янграйди. Урма, дамли чолғулар ва айниқса арфа ҳақиқий-мусиқий образни ифода этишда етакчилик қилган. Натижада оригинал асар дунёга келган. Композитор турк халқ наволарига мос оригинал куй яратишга ҳаракат қилган. Уни эшитганда, ҳақиқатан туркона оҳанглар сеҳри руҳингизни чулғаб олади.

Асарнинг энг юқори пардаларида гобой созининг якка талқинидаги «каденция» янграйди. Якканавоз Байрам Байрамўғиллари тингловчини сеҳрли оҳанглар орзулар оғушига чорлайди. Дунё гўзал, унда яшаш янада гўзалроқ. Оҳанглар эса ана шу гўзалликдан баҳра олиш учун яратилгандек.

Премера шуни кўрсатдики, мусиқа ҳар бир халқнинг қалбини, туйғуларини ифода этишда муҳим омилдир. Гўзал наволарнинг ўлмаслиги, умрбоқийлиги ҳам шундадир. Икки халқ ижодкорларининг ҳамкорлиги ва ҳамдўстлиги билан яратилган бу наволар ўрта ер денгизи мавжлари каби сержило ва серқиррадир.

С.БЕГМАТОВ,
санъатшунослик фанлари номзоди,
доцент

СЕВИШГА БУРЧЛИМИЗ

Почтадан янги келтирилган хат-хабарлар, турли нашрлар орасидан энг аввал беихтиёр «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигини қўлга оламан.

Кузатсам, танишларим ҳам шундай қилишар экан. Бунинг сабаби ҳафталикнинг қойилмақом чиқаётганлиги учун эмас. Унинг саҳифаларида гоҳо зўр билан бир қаторда ўртамиёна материаллар ҳам учраб туради. Гап шундаки, радио-телевидение ёки матбуотда турли мавзуларда исталганча хабарлар олиш мумкин, адабиёт ва санъат билан узилкесил боғлиқ ягона нашр — шу ҳафталигимиз. Адабиётимизни, санъатни эса севмаган кам топилади. Шундай дейманки, хаёлимда турли саволлар чарх уради: унда ҳафталикнинг адади нега кам? Бепарволигимизданми ёки камхаржликданми? Ёки ҳафталикнинг савиясига боғлиқми? Майли, бу тарафини ўқувчилару социологлар ҳал қилишар. Аммо хулоса шулки, ҳафталик чиндан-да мактаб давридан, ўқувчилик пайтимиздан меҳримиз тушган, йиллар шамолида бошидан кўп тазйиқу синовларни ўтказган нашр. Уни севишга, ўқишга, янада мазмунли чиқишини талаб қилишга бурчлимиз.

Ҳафталикни орзу ва армонлар манзили дегим келади. Чунки унинг саҳифаларида халқ қайғуси, юрт фаровонлиги йўлидаги курашлар бош мавзу бўлиб келди.

Мен ҳам ҳафталикда ўтган асрнинг 80-йилларида бўлим мудири бўлиб хизмат қилганман, ҳикояларим, мақолаларим кўп чоп этилган. Иш фаолиятимда, яхшими, ёмонми, эслайдиган воқеалар кўп бўлган. Энг муҳими, иш силлиқ кетмаган. Уларни вақти-вақти билан кулиб, ажабланиб эслаб юраман.

Бугунги байрам баҳонасида, бисотимиздаги энг мақтов сўзларни қанча кўп териб, ҳамкасбларимизга айтсак, шунча оз. Негаки, бугунги иқтисодий мураккаб жараёнда ҳақиқий адабиёт ва санъат яратилиши йўлида фидойи бўлиб хизмат қилиш ҳафталик жамоаси зиммасига тушган. Бу йўлда ҳамкасбларимизга сабр ва қаноат ҳамиша ёр бўлсин, деймиз.

Нодир НОРМАТОВ,
«Санъат» журнали
бош муҳарририи

РАҲМАТ СЕНГА, «ЎзАС»

Болалигимда онам колхозда яхши ишлагани учун ишхонаси ҳисобидан обуна қилинар эди. Бундан меҳнати қадрланган онамдан кўра мен кўпроқ суюнар эдим. Газетани уйимизга олиб келадиган почталион опа ҳам кўзимга фариштадек кўринар эди. Бу гапларни ёзаётганлигимнинг боиси шуки, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси менга кўп йиллардан бери қадрдон ҳамроҳ. Мен ушбу газетадан ҳаётни қадрлашни, инсонларга меҳр-оқибатли бўлишни, жамиятимиздаги иллатларни бартараф этиш йўлларини ва бошқа кўп нарсаларни ўргандим, ҳозирда ҳам ўрганиб келяпман.

Лекин, ўйлаб қарасам, бироз худбин эканман. Чунки мени боқиб катта қилганлари учун ота-онамга, ёзиш-чизишни ўргатганлари учун устозларимга раҳматимни айтибман-у, яхшини ёмондан, керакни нокеракдан ажратишимга ёрдам берган қадрдоним — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига бирон марта хат ёзиб, фикримни тиниқлаштирган, дунёқарашимни ўстирган мақола, ҳикоя, суҳбат-у шеърлар учун ташаккур айтмабман. Аслида газета жамоасига бунинг кераги ҳам йўқдек. Аммо жонкуяр журналистлар мухлисларнинг эътиборини ҳис қилиб турса яхши-да.

Қадрдон газетам жамоаси, айрим газеталар бозор иқтисодиётини рўкач қилиб, газетхоннинг савиясини тушираётган, ишончини суиистеъмол қилаётган, ёшларнинг тарбиясини ҳисобга олмай, чалакам-чатти мақолалар чоп этаётган бир пайтда йўлдан оғишмай, ҳаётнинг юксак ва гўзал мезонларига содиқ қолаётганларингиз учун минг раҳмат. Қутлуғ сана ҳаммамизга муборак бўлсин.

Лазизжон БАХРАНОВ

Самарқанд вилояти

УСТОЗ-ШОГИРД ОДОБИ

Халқ амалий санъати, хусусан ҳунармандчиликка оид ўқув-қўлланмаларга ҳозирги кунда эҳтиёж жуда катта. Шу жиҳатдан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети «Амалий санъат» кафедраси мудири С.Булатов ва Тошкентдаги Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежи раҳбари Ҳ.Йўлдошев ҳамкорлигида чоп этилган «Устоз ва шогирд одоби» ўқув услубий қўлланмаси муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Ушбу китоб малакали мутахассис олим ҳамда педагогларнинг бир неча йиллик илмий изланишлари маҳсулидир. Қўлланма мазмун жиҳатдан ранг-баранг бўлиб, унда касб-ҳунар, айниқса, амалий санъат соҳасида олиб борилаётган ўқув-амалий, назарий ҳамда ахлоқий тарбия жараёнларини батафсил кузатиш, тажрибалар, таҳлиллар олиб бориш каби масалалар анча муфассал ёритилган.

Хусусан, «Устоз ва шогирд одоби ҳамда унинг мезонлари», «Касб-ҳунар ўргатиш жараёнида халқ оғзаки ижодидан фойдаланишнинг шакли ва усуллари», «Ашёларга бадиий ишлов бериш» фанидан экспериментал дастур ва унга услубий ишланмалар» каби қисмларда берилган қимматли маълумотлар, йўл-йўриқ ва маслаҳатлар устоз-шогирдлар учун дастуриламал вазифасини ўтайди. Китобнинг полиграфик жиҳатдан юқори сифатли, қаттиқ муқовали қилиб Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилгани эса давлатимиз касб-ҳунар таълимига қаратаётган алоҳида диққат-эътибордан далолатдир.

Баҳром ТОЖИЕВ

Янги филм премераси

«ВАСВАСА»

Куни кеча пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Санъат саройида «Васваса» номли янги бадиий филм премераси кино мухлисларига тақдим этилди.

Бугунги турмушимиз муаммолари, шаҳарларимиз, мавзе ва маҳаллаларни ободонлаштириш, инсоннинг оилада ва жамиятда тутган ўрни, бурчи масалаларига бағишланган бу жиддий комедия «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва «Актёр» студияси томонидан суратга олинган.

Сценарий муаллифи, ёзувчи Эркин Усмонов, постановкачи режиссёр — Санжар Бобоев, постановкачи оператор — Алишер Усмонов, продюсер — Аброр Турсунов.

Асосий ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Равшан Солиҳов, Раъно Ярашева, Муқаддас Холиқова, Абдуҳамид Ғофуров, Жалол Юсупов, таниқли кулги усталари Тўхтамурод Азизов, Болтавой Тошматов, Ҳусан Мусабоев ва бошқалар ижро этишган.

УМИДЛИ ДЕБОЧА

«Мирзо Улуғбек» трагедияси телеэкран талқини ҳақида мулоҳазалар

«Мирзо Улуғбек» фожеий драмаси асосида саҳналаштирилган телеспектаклни кўриб Мақсуд Шайхзоданинг бадиий тафаккури кишига эстетик ва маънавий озиқ беришига, қалбларни ҳаяжонга солишига яна бир бор амин бўлдик.

Режиссёр Тоживой Исроилов асарнинг ТВ учун мўлжалланган илк талқинида мумтоз услубдан фойдаланган — пиеса телевидение павилони ёки студиясида декорациялар қуриб саҳналаштирилган ва суратга олинган, театр саҳнасига мўлжалланган пиеса телеспектакл учун бевосита теледрама вазифасини ўтаган. Эҳтимол, мумтоз пиесалар, хусусан, Шекспирнинг «Отелло»си ёки «Гамлет»и, Пушкиннинг «Евгений Онегин»и сингари шеърий драмаларни кинога, телеэкранга иллюстрация йўли билан мослаштириш жараёни босиб ўтилгандир. Эндиликда тили мураккаблиги, ҳажми катталигига қарамай, бундай асарларни спектакл кўринишида эмас, кинематографик услубда, замонавий техника воситалари ёрдамида суратга олиш давр талабидир. Аммо қанчалик хоҳламайлик, кўр-кўрона тақлиддан ҳозирча чекиниб туришимиз зарурга ўхшайди. Чунки аудиовизуал янгилик олиб кириш учун ўзбек ТВси ва киноси босиб ўтиши керак бўлган масофа қисқа эмас...

Т.Исроилов VI қисмдан иборат спектаклни саҳналаштиришда матнга жиддий ёндошганлиги, пиеса қисқартирилганига қарамай, барча қисмлар узвий боғланганлиги, уюшқоқ актёрлар ансамбли топилганининг гувоҳи бўлдик. Телеталқинда Улуғбек шахсига чуқурроқ ёндошиш биринчи ўринда туради. Беқиёс фазилатлар эгаси бўлган олим ва ҳукмдорнинг руҳан ёлғизлиги, телеспектакл концепциясини белгилайди. Шунга кўра бугунги Улуғбек — Шавкат Зиёмуҳамедов сиймосида кечаги Шукур Бурҳонов талқинидаги шижоатли шоҳ, буюк олим, тантанавор руҳда фалсафий мушоҳада юритувчи романтик қаҳрамон — Улуғбекдан фарқ қилади. Аввалига, ҳамиша — Феруза бўлган муносабатида ҳам, элчилар билан мулоқотида ҳам, Саид Обиднинг таъналарини эшитганида, ҳатто ўғли Абдуллатифнинг хиёнати ошкор бўлганида ҳам Улуғбекни тарк этмаган маъюс кайфият, дардли нигоҳ актёр ҳолатга кирмаётгандек, бир қолипдан чиқолмаётгандек таассурот қолдиради. Бироқ юлдузлар илмидан воқиф бўлган олим умрининг охирлаб бораётганини ҳис этиб турганлиги, шу боис барча изтиробларни сабабини бобоси Амир Темур руҳига мурожаати чоғида ошкор этганлиги кейинроқ маълум бўлади.

Саройдаги фитна, Саид Обиднинг Улуғбекни дахрийликда айблаши, Феруза ҳақидаги миш-мишлар, волидаси Гавҳаршодбегимнинг гина-кудурати, Абдуллатиф хиёнати — Улуғбек буларнинг барчасини сабр-бардош билан енгишга уринади. Ички туғёнлар, аламлар, изтироблар қалбини емирса-да, фарёд чекмайди, қаҳру ғазабини ошкор этмайди. Амир Темур руҳи олдида эса бўлиб ўтган ҳодисалар жумбоғини ечишга, бобосидан жавоб олишга уринади. Худди шу нуқтада режиссёр ва актёр ҳамжиҳатлигини сезиш мумкин. Йирик планда, табиий кўринишда, ортиқча гримларсиз томошабинга мурожаат этаётган актёр Шавкат Зиёмуҳамедов бевосита кадрда фикр юритади. Унинг теран нигоҳлари, юз ифодаси образни чуқур ҳис этиб талқин қилаётганини билдиради. Айни вақтда режиссёр монтаж йўли билан яратган Абдуллатифнинг болалиги (ота бола «уруш-уруш» ўйини ўйнаб, Улуғбек йиқилади ва ёш бола — Абдуллатиф ёғоч ханжарни отаси кўксига қадайди) лавҳаси ТВнинг имкониятлари кенг эканлиги, театр саҳнаси назарда тутилиб ёзилган монолог ва диалоглар ифодасида телевизион шакл топиш мумкинлигини кўрсатади. Аммо мазкур телеспектаклда режиссёр телевидениенинг ўзига хос хусусиятларидан кам фойдаланганлигини айтиб ўтиш жоиз.

Телевидение экрани актёрнинг ҳар бир ҳаракатини, юз ифодаси, нигоҳи, воқеликни ҳис этаяптими ёки топширилган вазифани адо этиш билан бандми — томошабинга аниқ-ошкор кўрсатади. Кўпроқ театр актёрлари жалб этилган ушбу телеспектаклдаги ижрочилар аксарият ҳолларда камераниг зийрак объективи иккинчи пландагиларнинг ҳам ҳаракати, нигоҳларини лентага муҳрлашини унутиб қўядилар. Натижада театр саҳнасида зарур ҳисобланган ҳаракатлар спектаклда ортиқча бўлиб, нотабиийлик касб этади.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, режиссёр оммавий саҳналарни суратга олишда эҳтиёт бўлиши, актёрлар бир хил ҳаракатларни такрорлайверишининг олдини олиши (яъни: қўлни кўксига қўйиб туриш, зарур бўлса-бўлмаса бош қимирлатавериш, «офарин», «баракалло» сўзларини жўровоз бўлиб такрорлаш) ва лозим топилса қайта суратга олишдан қочмаслиги лозим. Телевидениеда актёрга берилган мизансаҳна торлиги, орқа план оралиғи қисқариб кетиши натижасида актёр телепостановка жараёнида образнинг янгича ифода воситаларини топиши зарур.

«Мирзо Улуғбек» телеспектаклида Муқаддас Исаева (Гавҳаршодбегим), Ҳайдарали Сулаймонов (Абдуллатиф), Ҳабибулла Каримов (Бироқбек), Собиржон Раҳимжонов (Шайхулислом), Камола Умархўжаева (Феруза) каби актёрлар ўзларига топширилган образга чуқур ёндашиб, персонажнинг тарихий-ижтимоий аҳамиятини тўғри англаганлар. Гавҳаршодбегим ва Абдуллатиф ролларининг ижрочиларига алоҳида тўхталмоқчимиз. М.Исаева — Гавҳаршодбегим бадиий сўзни ҳис этиши, шеърий монологнинг қофиясига эмас, мазмун-моҳиятига аҳамият бериши диққатни тортади. Томошабин Улуғбекнинг онаси шундай кўринишда бўлгани, шундай оҳангда сўзлагани, ўғлига шундай фикрларни айтган бўлиши мумкинлигига беихтиёр ишонади.

Бу образни яратишда актриса фақат драматург чизиб берган «шаклдан» фойдаланиш билан чегараланмайди, ролга чуқурроқ кириб боради. Муқаддас Исаеванинг виқорли кўриниши, ҳаракатлари, юз ифодаларида актёрлик маҳорати кўзга ташланади.

Абдуллатиф образи ифодасида актёр ва режиссёр яқин ўтмишда қўлланган сиятларидан келиб чиқиб эмас, тўғридан-тўғри — механик тарзда кўчирилади. Бундай ҳолатда режиссёрларимиз анъанавий спектакл саҳналаштиришдан четга чиқиб, ҳали юриб кўрилмаган сўқмоқдан қадам босишга чўчиб турадилар. Айтайлик, «Қирол Лир», «Гамлет» каби мумтоз пиесалар қандай ёзилган бўлса, шундайлигича саҳналаштириш шарт, қолгани актёрлар ихтиёрида» деб ўйлашади кўп ҳолларда. Бу ўринда, аввало, режиссёрнинг услуби, ўзига хослиги, асарга муносабати қаерда қолади, деган савол туғилади. Қолаверса, юқоридаги каби муносабат кутилган натижани бермаслиги мумкин. Бинобарин, асарнинг қачон, қандай шароитда, қандай бадиий тамойиллар ҳукм сурган даврда яратилганлиги албатта ўрганилиши, инобатга олиниши зарур. Шу маънода «Мирзо Улуғбек» телеспектакли режиссёри асарнинг постановкаси жараёнида юқоридагига ўхшаш мулоҳазаларга борганмикин деб ўйладик. Чунки пиеса бир қанча қисқартиришларга қарамай, саҳифама-саҳифа телеспектаклга айланиши вақтида ТВнинг беҳисоб техник ва бадиий ифода воситалари унутилган кўринади. Тоживой Исроилов эса ўз ижодий тажрибаси билан бадиий асарнинг телеадаптацияси жараёнида турли телевизион услуб ва шакллардан фойдаланиш томошабинга ёзувчининг ғоясини кенгроқ, гўзалроқ англатиши мумкинлигини исботлаган. Хусусан, «Соҳил бўйлаб чопаётган олапар», «Ўзим билан ўзим», «Жалолиддин Мангуберди» каби телефилм ва телеспектаклларнинг маҳоратли режиссёр эканлигидан далолат беради. Айнан шунинг учун ҳам биз Тоживой Исроиловдан томошабинга ҳар жиҳатдан манзур бўлувчи телеспектакллар кутишга ҳақлимиз.

Шоҳида ЭШОНБОБОЕВА

СУРАТДА: **филмни суратга олиш жараёни.**

ЮБИЛЙЎЙ САЛОМНОМА

Кўпқаватли саломдан сўнг, кўзи пилдироқ Шум болага етиб маълум бўлсинким, камина сув ўрнига гап қайнаб, ҳажвчилар сўз ўйнаб тургувчи чойхонанинг доимий мижози Кулкул афанди бўладурмен. Мен сенга айтсам, жиян, чойхонанг ижарада турғон газет милодий 1956 йилда илк бор тахтакач қилинғонига тирик гувоҳдурмен. Шунга эллик йил тўлғонини шарафлаб, сўричангга сочиқдеккина дастурхон ёймоқ бўлиб, менга ҳам таклифнома юборғонинг ички маданиятинг дурустлигидан далолатдур. Зарра ташвиш тортмагайсанки, белгиланғон кун, айтилғон муддатда қўйнимда истакон билан базмингга кириб борурмен.

Айтишларича, «Ўзбекистон маданияти»нинг биринчи сони босилғонида, кимлардир оламнинг у четида туриб: «Болшавойлашган ўзбекда ҳалиям маданият бор эканму?» — деб ҳиринглағон эркан. Гўёким бу писандага жавоб қайтарғондек, Абдулла Қаҳҳору Ойбек, Ғафур Ғулому Шайхзода, Миртемир Зулфия хоним, Саид Аҳмаду Шуҳрат домла кабилар бир тарихий, бир замонавий мавзуларда чўғи баланд чиқишлар қилиб, насли бикир ўзбек ҳатто жаҳаннамда ҳам гултожихўроз етиштирмакка қодирлигини кўз-кўз айлағонлари ёдимизда.

Сўғинроқ десанг, юрагига «Ўзингни топ, ўзлигинг сари чоп!» шиорини михлаб олғон сапчимачилар авлоди, уларнинг кетидан «Хов! Бизни тинч қўй энди!» — деб ҳайқирғон ялангмуштлар авлоди қаламчилар майдонига гуррос-гуррос кириб келавердилар. Қарабсанки, тўрт саҳифали газет кўзларга бирдан тор кўриниб турибди.

Янглишмасам, милодий 1981 йилда маданий газет ўз саҳифалари сонини кўпайтириб, бирйўла чармранг шапкани-да алмаштириб, номи «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» бўлди. Бу — ўртоқ Низом Комилнинг тўрт тийинлик бурунсомсадан паққос қутулиб, таржимонликдан илк марта мўмай қалам пули олғон, бир яшик «Баяширей»га етадурғон қисмини пайпоққа солғон даврлар эди. Мошкичир сочларининг томири қақраса-да, илҳом гули сўлмағон, ўзидан ўткирларга ҳасади қўлмағон, ёш-ялангга самимий қўл узатгувчи, уларни «олакўз»лардан авайлаб, бежо гапларини заҳа едирмай тузатгувчи Аскад оға шапкаси янги газетга бош босармон бўлди. Ғафур бобонинг юзини қилиб, сен хумпарга кичик чойхона очиб берган зот айнан шу киши эканлигини эсдан чиқарсанг, биринг икки бўлмағай.

Биров бунда кулгини пуллади, биров кулгида томоқ ҳўллади, чойхонанг ана ўшандан бошлаб гуллади. Ниҳоят Гулмат бобомнинг куни туққанини пайқаб, бири дераза нинг тешик ойнасига елимланғон, бирига бодринг уруғи ўраб қўйилғон, яна бир нечаси сичқоннинг кандигига бураб тиқилғон саҳифаларни пешма-пеш йиғиб, «Безгакшамол» девонини тиклашга тутиндим. Афсус, ғафлатда қолдим. Бу орада А.О. деган шахс (бу Анвар Обиджон эканлигини ҳатто айрончию исириқчилар ҳам билса-да, одоб юзасидан исм-шарифини очиқ ёзмадим) бобомнинг бошқа қўлёзмасини топиб, чойхўрларга пуллашга тушди.

Бундан жуда эзилдим, ичим тўкилди. Ахир, қонуний меросхўр буёқда қолиб, қандайдир олтиариқлик...

Неча йил аламзада юрдим. Бир куни десанг, ажабтовур фикр Або Муслимнинг гурзисидек бошимга қарсиллаб урилди. Ие, дедим, ўзим ёзиб, ўз қобилиятим эвазига пул топсам-чи, дедим. Шу-шу, Гулмат бобомнинг руҳи шифтда туриб пичирлашни заплайверди, мен эшитғонимни қоғозга чаплайвердим. Оммага танилмоққа шошиб, дастлабки ғазалимнинг намини пуфлағонимча чойхонангга югурдим. Бориб, феъли чумолининг ичагидай тор кимсага йўлиқдим. У ғазалимга тумтайиб боққан асно, биринчи байтни ашула қилди.

Оҳу воҳим нега пурго айладинг,
Энди аҳволим парагво айладинг...

Акахоннинг қовоғидан қор бўралаб: «Ҳмм... негадир «пурго» деган сўзга тушунмай турибман», деган эди, мен: «Ўрис биродарлар қор аралаш бўронни «пурга» дейди. Мен шуни «пурго» қилиб, ғазалга туширдим», дебон уқтирғон бўлдим. Буёғига индамай қўяқолса, асакаси кетмас эрди, лекин баттардан тихирланиб: «Хўш, «парагво» нима?» — деб яна савол ниқтади.

— Очиғини айтадурғон бўлсам, буни ҳозирча ўзим ҳам билмайман, — дедим мен. — Омалейкин, луғатлар эринмай титкиланса, ё арабча, ё форсчада шунга ўхшаган сўз топилиб қолар?

Уёғини айтиб ўтирмай. Болаликда товуқ ўғирлаб қўлга тушғонимда ҳам бу қадар ачитиб сўкишмағон эрди.

Вақти келиб фаҳмладимки, менга дакки бериб, ажаб қилғон эканлар. Ёзғонда эсим қаламнинг учида турадурғон бўлди. Мана, охири пишгандирманки, чойхонангдаги болишга тосрайиб ёнбошлағонлардан бири бўлиб турибман. Бу иззатга етишмоқ осон бўптими, бўтам!

Саломномамни тамбалашдан бурун улфати жонон газетингга ривож, чойхонангга файз-барака тилаб, газагига назмий луқма қистирмоқдаман.

Эллик ёш бу не бўлибдур,
Етмиш, саксон, юздан сўра.
Худойимдан умр тилаб,
Шеърни эса, биздан сўра.

Сен болапақирга ширали-ширали дуолар йўллаб:

Кулкул АФАНДИ

"ШУМ БОЛА" САНДИҒИДАН

Дунёнинг ҳақиқати

Бу дунёда етмиш йил ёнбошлаб ётиб, Маматполвон англаган ягона ҳақиқат шу бўлди — ошхонада қуруқ чой ҳўплаб кунни кеч қилгандан кўра, чойхонада ош еб, мўйлабни силаб ётган маъқул.

Ҳикмат

Бозорда сабзи ўтмай ётган бўлса, бу ҳали паловнинг таназзули эмас.

Иккилик

Ҳар ёзилган шеър бўлмас,
Ҳар учраган эр бўлмас.

Маслаҳат

Отангни онангга рекламасиз кўрсатма!

Хавотир

— Доктор, операция қанча давом этади? — ташвишланиб сўради бемор.
— Икки соатларда тугатиб қолармиз, буёғи энди ошқозонингизнинг қандай чиқишига боғлиқ, — деди врач ҳайрон бўлиб.
Бемор хўрсиниб деди:
— Ишқилиб тушликка кечикмасак бўлди-да...

Тавсифнома

Ёши тахминан қирқларда. Ҳаддан ташқари новча, бу ҳам етмаганидек озғин. Иягида битта ҳам туки йўқ, ҳалиери битадиганга ҳам ўхшамайди.

Обуна

— Шу мақолам чоп этилса пулига албатта обуна бўламан, — деди муаллиф.
— Кечирасиз, — деди муҳаррир, — афсуски биз бир ҳафтага обуна қилмаймиз.

Ўз ижодимиз

Дунё — кенг...

ЕР ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

Геофизикларнинг кашфиёти Ернинг пайдо бўлишига доир тасаввурларни тубдан ўзгартириб юборадиган кўринади. 4,5 миллиард йил бурун сайёрамиз ҳозирги кўринишда пайдо бўлиб, ўшандан бери дастлабки қиёфасини деярли ўзгартиргани йўқ. Ер пайдо бўлган илк дақиқалардаёқ ҳаёт учун яроқли бўлган. Сайёрамизни дастлаб океанлар қоплаб олган, кейин ер парчалари пайдо бўлиб, сувдаги жониворлар қуруқликка чиқа бошлаган, деган назарий қараш эса нотўғри экан. Ғарблик олимларнинг кўп шов-шувларга сабаб бўлаётган кашфиётлари шундан далолат бераётир.

Кашфиётнинг тарихи, қисқача айтганда, қуйидагича: Ердаги энг кўҳна ҳисобланадиган Ғарбий Австралиядаги Жек Хиллес ҳудудида (унинг ёши 4,4 миллиард йилга тенг) сайёрамизда жуда кам учрайдиган гафний металли топилган. Радиоизотоп ёрдамида уни текширган олимлар бу ҳудуд устки қатлами океан остидаги қатламдан фарқ қилишини ва 4,4 — 4,5 миллиард йил олдин шаклланганини аниқлашган. Бунгача ушбу қатлам океан қатламидан аста-секин юқорига кўтарилиш натижасида ҳосил бўлган, деб ҳисобланарди. «Афтидан, Ер бир пайтнинг ўзида пайдо бўлганга ўхшайди, — дейди тадқиқотчилардан бири, Колорадо университети олими, геофизика доктори Стивен Мойзсис. — Агар бу тахмин тўғри бўлиб чиқса, Ернинг пайдо бўлишига доир барча тасаввурларимизни тубдан қайта кўриб чиқишга тўғри келади. Эҳтимол, шу пайтгача фантастика деб юрилган атлантлар цивилизацияси ва бошқа ўта қадимги аждодлар тарихи билан олимларнинг энди жиддийроқ шуғулланишларига тўғри келар. Модомики, оқсилли тириклик бизнинг сайёрамизда бир неча миллиард йил бурун мавжуд бўлган экан, у ҳолда юқоридаги каби цивилизациялар тарихини шунчаки хаёлот маҳсули деб бўлмайди...»

Доктор Мойзсис раҳбарлигида ўтказилган тадқиқотлар сайёрамиз сатҳида сув 4,3 миллиард йил бурун пайдо бўлганини исботлади ва сув атмосферадан 3,8 миллиард йил олдин ҳосил бўлган, деган қарашни рад этди. Шундай қилиб, янги олинган маълумотлар шундан далолат бераётирки, океанлар ва атмосфера ибтидодаёқ мавжуд бўлган ва сайёрамиз ўша пайтдаёқ ҳаёт учун яроқли бўлган.

— Илмий қарашлар ривожининг бутун тарихи мобайнида Ернинг пайдо бўлиши тўғрисида ўнлаб назариялар олдинга сурилган, — дейди Россия Фанлар академияси Ер физикаси институти бош илмий ходими, физика-математика фанлари доктори Валерий Рудаков. — Ўтган асрнинг бошида Бюффоннинг назарияси машҳур эди. Унга кўра, беҳад қизиган қуёш кометага тўқнашиш оқибатида, унда қайноқ бир улкан парча узилиб фазога сочилган ва бир неча бўлакларга бўлиниб кетган. Бу бўлаклардан планеталар ҳосил бўлган ва улар қуёш атрофидан, марказдан қочиш ва марказга тортилиш кучи таъсири остида, доира бўйлаб айланишни давом эттирган. Демак, Бюффон назариясига кўра, планеталар қаттиқ қизиган қуёш парчалари бўлиши керак. Ва дастлаб улар ҳам қаттиқ қизиган ҳолатда бўлган. Ер сатҳида ҳароратнинг аста-секин пасайиши натижасида ҳаёт пайдо бўлган ва ривожланган. Яна шу назарияга кўра, ер сатҳидаги совиш жараёни ҳануз давом этмоқда: бу эса, охир-оқибат сайёрамизда ҳар қандай органик ҳаётнинг камайиб, кейинчалик эса, батамом тугаб битишига олиб келади.

Бюффоннинг бу қайғули қарашлари билан кўп олимлар баҳслашишган. Уларнинг Ернинг пайдо бўлиши ҳақидаги тахминлари турлича, бироқ бу тахминларнинг бирортасида миллиардлаб йил олдин аслида ернинг пайдо бўлиш жараёни билан боғлиқ жумбоққа жавоб йўқ. Эҳтимол, ғарблик олимларнинг дадил тахминлари мазкур муаммоларни ёритишга кўмаклашар.

Ҳажвия

Саъдулла ҲАКИМ

УСТОЗ МУҲАРРИР

Одил Ёқубовга

Ул устоз муҳаррир сўз заргари чин,
Авло кўрар эди сўзнинг озини.
Дерди: "Беш қоғозга келтириш мумкин
Ҳатто Ёқубовнинг ўн қоғозини".

Мақола, ҳикоя ё шеър тайёрлаб,
Қўйсангиз босмага шай, деб ўртага.
Устоз сўрардилар: "Неча қоғоз? — деб, —
Ўн беш? Қисқартиринг, келсин ўнтага".

Шоён кун муҳим бир қувонч тадбирин
Тахт қилдим. Сўрдилар: "Қанча?" — "Бир қоғоз".
Хаёлчан руҳ ила ташлаб кўз қирин, —
"Бир қоғоз қисқартинг", дедилар устоз.

Дедимки: "Бор-йўғи бир қоғоз ўзи,
Бунча қисқартирсам ҳеч вақо қолмас".
Дедилар: "Қолса бас бир асл сўзи,
Олмос урвоғи ҳам, барибир, олмос!"

«БИЗНИ БОПЛАШИБДИ, АДАСИ»

— Шунча йил ишлаб, топган обрўйингиз шу бўлдими? Олган квартирангизни қаранг, шаҳарнинг бир четида-я. Саодатхоннинг эри ишга кирганига бир йил бўлмай марказдан уй олди. Санобархоннинг эри бўлса олдин квартира олиб, кейин ишга борди. Энди билдим, ишхонангиздагилар сизга ўгай кўз билан қарашар экан...

Хотиним борган сари ловуллаб борарди. Уй олиш ҳақидаги гувоҳноманинг қўлимга теккани дан қувончдан асар ҳам қолмади.

— Бўлмайди, — деди хотиним кескин, — рад этинг. Бошқа жойдан беришсин.

Энди нима қилдим? Шу савол кечгача бошимда чарх урди.

Кечқурун уйга қайтсам, хотиним хурсанд.

— Шаҳар марказидан уй топдим. Юринг, ҳозир бориб келамиз, — деди ичкарига киришим билан ва шоша-пиша сумкасидан тўрт букланган қоғоз чиқариб қўлимга тутди.

«Марказдаги икки хонали квартирамни Юнусобод даҳасида жойлашган уч хонали квартирага алмаштираман. Манзил...»

Манзилни қидириб кетдик. Иш ўнгидан келганини қаранг-а, эшик қўнғироғини боссак, худди бизни кутиб тургандек эр-хотин баравар истиқболимизга чиқишди. Келишимиз сабабини билишгач, бизни ичкарига бошлашди. Хоналарни кўздан кечирар эканмиз, эгалари бир четда қолиб, хотиним уйни мақтаб кетди.

— Ҳақиқий квартира деб мана буни айтса бўлади, адаси. Ёруғлигини қаранг, дераза ри ҳам янгигина бўёқдан чиққан экан.

Ўша куни қўярда-қўймай уй эгаларини биз яшаётган манзилга бошлаб келдик.

Хуллас, хонадонларимизни бечиқим, бекирим алмаштирдик. Кўчаларимизни туширяпмизу «Тўйлар муборак»ни «Уйлар муборак» деб хиргойи қиламан. Трамвай, троллейбус, автобус, қўйингчи, кўчадан ўтаётган барча транспортлар шундоққина ойнамиздан кўриниб турибди. Биринчи қаватда супермаркет. Ҳамма томондан қулай бўлган бу уйнинг эгалари нега алмаштириб кетганига ҳайронмиз.

Кечқурун оиламиз билан янги уйни «ювишга» ўтирдик. Энди овқатга қўл урган эдик, бирдан пастда тўс-тўполон бўлиб қолди.

Деразадан қарасак, иккита маст бир-бири билан жиққамушт бўлиб ётибди. Теварак-атроф текин томошабинлар билан тўлибди. Қайтиб жойимизга ўтирдик. Шу чоқ қайдандир машина қаттиқ тормоз берди. Ғилдираклар чинқириғидан чўчиб тушдик. Бироздан сўнг ҳайдовчининг бўралаб сўкингани эшитилди. Зум ўтмай қўнғироғини варанглатиб трамвай ўтиб кетди. Кўч ташиб чарчаган эканман шекилли, меҳмондорчиликнинг эртароқ тугатиб ўрингa чўзилдим. Аммо қани энди кўзим илинса. Кўчадан тўхтовсиз тарақлатиб трамвай, троллейбус ўтиб турибди. Баъзи бефаросат ҳайдовчиларнинг ярим тунда сигнал беришгани ортиқча. Устига устак, уйимиз йўлагида турган машиналардан бирига кимдир тегиб кетди шекилли, бирдан унинг огоҳлантирувчи қўнғироғи ишлаб кетди. Ана холос.

Безовталаниб соатга қарасам, миллари икки дан ошибди. Шу чоғ телефон қўнғироғи жиринглаб қолди. Ғижиниб гўшакни кўтарган эдим ундан бўғиқ овоз эшитилди.

— Алло, жиннихонами?

Беихтиёр гўшакни ташлаб юбордим. Телефон кетма-кет узоқ жиринглади. Симини узиб қутулдим.

Ишхонамда кечгача мудраб ўтирдим. Уйга қайтсам, хотинимнинг фиғони фалак. Икки соатдан бери юқори қаватда яшовчи қўшнимизникида жаз оркестри мусиқаси тинмаётган экан. Унга тасалли бериб, энди стулга ўтирган эдим, во ажаб бирдан томни тешиб юборгудек дўпир-дўпир бошланиб кетди. Шу аҳволда ўтиришнинг ҳеч иложи йўқ. Аста юқори қаватга кўтарилиб, қўнғироқ тугмасини босдим. Қаршимда сочлари тўзиб кетган ёшгина жувон пайдо бўлди.

— Вой акажон келинг, — деди у кўзлари чақнаб, — ўтган гал уч минг сўм кам ташлаб кетибсиз. Бир ўзингизмисиз?

Нима дейишимни билмай қотиб қолдим. Мақсадимни айтган эдим, ошкини тарақлатиб ёпди. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб уйга кирдим. Юқорида жаз авжига чиқди.

— Вой, бунақада яшаб бўлмайди адаси, — деди хотиним чимирилиб. — Ўлсин, бизни хўп боплашибди.

Тутоқиб кетдим.

— Ахир ким эди, бу хонадонни қидириб топган? Шаҳар марказида яшамасам бўлмайди деб айюҳаннос солган ким? Энди бўлди, шу ерда тураверамиз.

Хуллас, бир ойга яқин тишни тишга қўйиб яшадик. Бир куни уйга келсам хотиним олдимга бир парча қоғоз қўйди. Ўқидим.

«Шаҳар марказидаги икки хонали уйимизни Юнусобод даҳасидаги бир хонали квартирага алмаштирамиз. Манзил...»

Рассом Жаҳонгир МИРЗО

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

САБОҚ

Боши учинчи бетда.

Забихилло ўзини сал ўнглаб олганди:

— Таксир, бировникига қуруқ бориб бўладими, айниқса янги йил арафасида.

— Қаранг, шунга ҳам фаросатим етмабди, — деди Очил ака ва пичинг аралаш қўшиб қўйди, — аммо сувдан қуруқ чиқадиганлардан бўлиб кетибсиз.

Забихилло бу кесатиқни ҳазм қилиб ургурмасидан эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Бу гал ҳам миясига «бошлиқ келди» деган фикр урилди. Шошиб эшикни очди-ю, яна эсанкираб қолди, остонада Бобосалмонов аёли билан турарди.

— Хотиним билан божамникига кетаётгандик, эшигингизни босиб ўтолмадик, бирровга бўлса ҳам кириб янги йил билан ўзларини табриклаб кетайлик дедик...

— Ажаб қилибсизлар, — деди Забихилло аламзада овозда, — қани ичкарига.

Бобосалмоновнинг хотинини ҳам уй бекаси ошхонага бошлади, эркаклар меҳмонхонада холи қолишди. Забихиллонинг кўзлари аланг-жаланг, оёғи куйган товуқдек типирчиларди.

— Таксир, сал безовта кўринасиз? — сўради Очил ака.

— Божамизнинг кўзи тўрт бўлиб бизни кутиб ўтиргандир. Биласизлар, қишлоқда янги йил кутишни пешиндан бошлаб юборадилар. Қолаверса, Паркент яқин жой эмас, етиб олишнинг ўзи бўлмайди, — усталик қилди Забихилло.

Шу пайтда яна эшик қўнғироғи жиринглади. Ана энди бошлиқ келгани аниқ деган фикр билан Забихилло даҳлизга отилди. Остонада Хуррамовни кўриб, тепа сочи тикка бўлди.

— Хотиним билан божамникига кетаётган эдик, эшигингизни босиб ўтолмадик, бирровга бўлса ҳам кириб, янги йил билан табриклаб кетайлик дедик, — ҳамкасбларининг гапини қайтарди Хуррамов.

— Ажаб қилибсизлар, — Забихилло аранг тишининг оқини кўрсатди. Зардаси қайнаб меҳмонларни ичкарига таклиф этди.

Ҳамкасблари келишиб олгандек бир хил гапиришаётгани Забихиллони шубҳалантирди. Янада кўпроқ таҳликага тушди. Ичидан қиринди ўтаётган бўлса ҳам меҳмоннавозлик қилишга уринди.

— Қани, дастурхонга қаранглар, бирпас ўтирамиз.

— Йўқ, энди биз турайлик, сизни борадиган жойингиз бор, кеч қолманг, — деди Очил ака.

— Янги йил ҳаммамизга омад келтирсин, қут-баракали, файзли бўлсин.

— Айтганингиз келсин, — деди Хуррамов, — ҳар ҳолда йилнинг бошланиши бизлар учун омадли бўлаяпти. Кеча Раббим Қудратович ўн кунга Японияга учиб кетди. Бу дегани ўн кун ўзимизга хон, ўзимизга бек бўлиб яйраймиз.

— Раббим Қудратович кеча кечгача ишда эдилар-ку, — деди Забихилло лоқайд кўринишга тиришиб.

— Ҳа, кун бўйи ишда эдилар. Кечқурун саккизларда уйда телевизор кўриб ўтиргандим, телефон жиринглаб қолди. Олсам, Раббим Қудратович, шошилинч командировка чиқиб қолди, кетаяпман дедилар. Бир-иккита топшириқ бердилар. Биз ҳам жа унақа сўтаклардан эмасмиз, қўнғироқдан мақсад қузатиб қўйгин, демоқчи бўлганлар. Иккита қази, тўртта ёғли патир, озгина хўл мева олиб аэропортга чиқдим. Оқ йўл тилаб қузатиб қўйдим.

Забихилло эси оғган одамдек бақрайиб қолди. Сал ўзига келгач, ҳар эҳтимолга қарши тусмоллаб сўради.

— Фақат топшириқ бердиларми? Бошқа ҳеч нарса демадиларми, мабодо?

— Дарвоқе, яхши эсимга солдингиз. Забихилло Халимовичга бериб қўйинг деб сизга хат ташлаб кетдилар, — Хуррамов чўнтагидан кичкина конверт чиқарди. — Мана.

Хатда биттагина жумла ёзилган эди: «Забихилло Халимович, ўз ҳамкасбларингизнинг юзига оёқ қўйиб, лаганбардорлик қилганингиз учун раҳмат. Садоқатни сиздан ўрганиш керак экан».

Хатни ўқиб ҳангу-манг бўлиб қолди.

— Нима гап экан? — деб сўради Очил ака.

— Ҳеч гап йўқ, — Забихилло ҳамкасбларининг кўзига қаролмай ерга боқди. — Ҳисоботнинг бир жойида хато кетган экан, ўшани тўғриламасдан бошқармага жўнатманг дебдилар.

— Йўғ-е, наҳотки сиздан хато ўтган бўлса, ишни пишиқ қилардингиз-ку, — узиб олди Очил ака.

— Хато ҳаммадан ҳам ўтади, беайб парвардигор дейдилар.

— Бу гапингизда жон бор, хато ҳаммадан ҳам ўтади, энг асосийси — хатони бўйнига олиб, тузатиш. Хато қилиб тониб туриш — мунофиқлик.

— Албатта, албатта, — деб ғулдиради Забихилло.

У бошлиқ келади деб илҳақ бўлиб ўтирганди, энди умидини узди. Бир тарафдан катта харажат қилиб тайёргарлик кўргани зое кетганига ачинди, иккинчи тарафдан сал енгил тортди. Агар шу тобда бошлиқ келиб қолса, ҳамкасбларининг олдида шарманда бўларди. Майли, бошлиқнинг кўнглини кейинги сафар олар, олдинда байрамлар кўп: Хотин-қизлар куни, Наврўз...

Кутилмаганда миясига яхши фикр келди.

— Менга қаранглар, меҳмон отадай азиз, дейдилар. Шундоқ экан, таклиф бор, шўтта қоласизлар, янги йилни ҳар доимгидек бирга кутамиз.

— Нималар деяпсиз?! — йўлига пўписа қилди Очил ака, — Эсингиздан чиқдими, ахир божангизга ваъда бериб қўйгансиз.

— Божамникига эртага эрталаб бораман, кун бўйи ўтириб ҳиссасини чиқараман, божам бамаъни одам, хафа бўлмайди. Сизлар ҳам божаларингизникига кейинроқ ўтарсизлар.

— Не-не умидлар билан тайёрлаган таомларим савил қолмасин дейсиз-да, — яна пичинг қилди Очил ака.

Туйқус яна эшик қўнғироғи жиринглади, бу гал Забихилло қўнғироққа эътибор ҳам бермади. Зум ўтмай даҳлиздан хотинининг «Ҳай дадаси, меҳмонлар келди» деган овози эшитилди.

Забихилло сакраб ўрнидан турганди, Очил ака йўлини тўсди.

— Тўхтанг, бояги хат ҳақида бошлиққа оғиз оча кўрманг. Янги йилни бирга кутишга чап берганингиз учун хатни мен ёзгандим.

Забихилло эс-ҳушини йиғиб улгурмасидан Раббим Қудратович аёли билан меҳмонхонага савлат тўкиб кириб келди.

— Жамоат жам-ку. Мана бу ишни қойил қилибсиз, Забихилло Ҳалимович, ҳамкасбларингизни йиғганингиз зўр бўлибди, — бошлиқ тўрдан жой олди.

— Кутилмаган хушхабар ёки совға сюрприз дейилади. Биз ҳам Янги йил муносабати билан сизни бир хурсанд қилайлик дедик-да, — ялтоқланди Забихилло.

— Ҳақиқатдан ҳам қувончли ҳол бўлибди, — деди бошлиқ.

— Камина ҳам Янги йил арафасида сабоқ, э, узр, сюрприз олдик. Ғаниилар камчилигимизни юзимизга айтмайди, баттар бўлсин деб атай яширади. Дўстлар эса дашном бериб бизни тўғри йўлга соладилар, — Забихилло бошлиқ пайқаб қолмасин учун пардали қилиб гапирди ва шу тариқа ҳамкасбларидан кечирим сўради.

— Таксир, мана бу нозу-неъматлардан тотиб кўрамизми ёки фалсафа сўқийверамизми? — Очил ака ҳам усталик билан Забихиллонинг гуноҳидан кечганини англатди.

— Бўлди, оғзимни юмдим, энди оғзимни фақат овқат ейиш учун очаман, — деб ҳазиллашди Забихилло.

Енгил кулги кўтарилди. Ҳамкасбларидан дакки еб ўсал бўлган Забихилло энди бахтиёр ва шод эди. Нега қувонмасин, бошлиғини уйга чақиришганди, ниятига етди, боз устига анъаналари бузилмай ҳамкасблари ҳам йиғилди. Шу боис у хушомадга зўр беришга, нафақат бошлиғи балки қадрдон ҳамкасбларининг ҳам кўнглини овлашга киришди.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55
Санъат бўлими: 136-56-48 Наср ва наср бўлими: 136-56-48

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи — Рустам МУСУРМОНОВ
Саҳифаловчилар — Байрамали МУҚИМОВ, Нодир МАМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4100. Буюртма Г — 351. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН